Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 174 (3675)
2 ЧОРШАНБА
АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОММУНИСТЛАР ОЛДИДА ҲИСОБОТ

Граждан авиацияси 243-авиаремонт заводи коммунистларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан Тошкент шаҳар партия комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев ўз нутқида ҳикоя қилиб берди. Шаҳар партия ташкилоти, деб таъкидлади у, партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини муваффақиятли амалга оширишга республика меҳнаткашларини сафарбар этиш юзасидан катта иш олиб бормоқда. Тошкентнинг саноат потенциали ўсмоқда, шаҳарликларнинг меҳнат, маиший ва дам олиш шароитлари яхшиланмоқда, транспорт, алоқа, савдо, хизмат кўрсатиш ва шаҳар халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари янада тараққий этмоқда.

Бу ишга авиаремонт заводининг коммунистлари ва барча меҳнатчилари катта ҳисса қўшмоқдалар. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, мотор синаш станциясининг мастери Л. Тўлаганов, йиғувчилар бригадасининг бошлиғи А. Е. Курков, корхона директори А. М. Захаров ва бошқалар план ва социалистик мажбуриятларни бажариш, авиация техникаси ремонтининг сифатини юқори даражада олиб бориш юзасидан коллектив фаолияти ҳақида гапириб беришди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорларини бажаришни таъминлаш, шаҳар халқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш ва беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга пойтахт меҳнаткашларини сафарбар этиш юзасидан шаҳар партия комитети ишини маъқулладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ (1978 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

ЮКСАК АҲДГА ЯРАША

Каноп фабрикаси коллективи Жиззах область Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозга ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозига оталиқ ёрдами кўрсатиш учун мазкур хўжаликлар билан йил бошида шартнома имзолаган эди. Аҳдига вафодор «каноп»чилар мазкур хўжаликларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишиб келяпти. Айниқса, жиззахлик чўлқуварлар тошкентликлардан мамнун бўлишмоқда. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида Собир Раҳимов номли совхозга минг квадрат метрга яқин газлама, бир неча ўн минг сўмлик арқон етказиб берилди. Шунингдек, шартномада кўрсатилганидек, қишлоқ хўжалик техникаси учун 200 сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳам жўнатилди. Бундан ташқари мойлаш-ёғлаш материалларини сақлаш учун 200 та бочка ҳам совхоз ихтиёрига юборилди.

Бир сўз билан айтганда, каноп фабрикасининг меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларига жавобан оталиқдаги хўжаликларга ёрдамни кун сайин кучайтирмоқда. Канопчилар бу йилнинг ўзида Собир Раҳимов номли совхозга 4270 сўмлик, «Коммунизм» номли колхозга эса 4.905 сўмлик ёрдам кўрсатишга аҳд қилишган.

Деҳқонга мадад

БУГУН

«Узавтострой» трести коллективи ўз оталиғидаги хўжаликда хайрли ишга қўл урди. Трест қурувчилари Дўстлик районидаги 2-совхозда маиший хизмат уйи ва ҳаммом биноларини қуришга киришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан руҳланган Октябрь райони меҳнаткашлари қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатишни тобора кучайтирмоқдалар. Колхозлар ва совхозларга турли машина ва механизмлар етказиб берилмоқда. Мавсумий ишларда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган бригада аъзолари деҳқонлар билан ёнма-ён туриб ишламоқда. Жумладан, ишчилар ҳозиргача оталиқдаги хўжаликлар учун 4 минг тонна дағал хашак тайёрлаб бердилар.

Қишлоққа ёрдам кўрсатишда райондаги деярли барча ташкилотлар қатнашмоқда. Қишлоқ хўжалик министрлигига қаровчи корхоналар икки экскаватор, икки скрейперлар, бир бульдозер ва бошқа техника воситалари юборди. «Средазэнергоцветмет», «Узстроймеханизация», «Узглавводстрой» ташкилотларининг ҳар бири хайдовчи ва слесарлар билан комплектлашган автолетучкалар жўнатган. «Ирмонтажстрой»нинг махсус созлаш ишга тушириш бошқармаси эса иккита бензавозни қишлоққа юборди.

Деҳқонларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш шу куннинг муҳим вазифасидир. Бу соҳада ҳам оталиқ ташкилотлари кўрсатаётган ёрдам эътиборга лойиқ. Шу кунларда «Жилстрой» трести қишлоқ жойлар учун мехмонхона лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрламоқда. Ушбу лойиҳа бўйича дастлабки бино қурилиши сентябрь ойида бошланади.



Коммунистик меҳнат зарбдори Николай Легчаловнинг «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 10-цехида токарь бўлиб ишлаётганига ўн икки йил бўлди. Ана шу вақт ичида у А. Азизов ва Р. Алимов каби ёшларга ўз мутахассислигини ўргатди. Ҳозир улар ўз устозлари каби қишлоқ буюртмаларининг муддатидан илгари бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

СУРАТДА: Николай Легчалов. Р. Загратдинов фотоси.

РЕКОНСТРУКЦИЯДАН СЎНГ

Заводимиз асосан республикамиздаги йирик машинасозлик корхоналари — «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Чирчиқсельмаш», «Ташхимсельмаш», шунингдек «Ленинабадсельмаш» каби корхоналарда қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш учун зарур агрегат-қисмлар етказиб беради.

Ўтган ярим йилликнинг ўзида пландан ташқари тракторларнинг эҳтиёт қисмларидан 596.9 минг сўмлик, бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун эса 252.7 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқардик.

Агрегатчиларимиз «Ўроқ ва Болға» иттифоқига содиқликларини бу йил ҳам яна бир бор намойиш этишяпти. Масалан, бу йил Сирдарё область Оқ олтин районидаги Ворошилов совхозига қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш бўйича катта ёрдам кўрсатдик. Ярим йилликда совхозга жами тракторнинг икки ғилдиракли олдинги кўпригидан 7.320 сўмлик, зангламайдиган орқа кўприкдан 5.100 сўмлик, асбоб-ускуналардан 833 сўмлик ва бошқа эҳтиёт қисмлар етказиб бердик. Шунингдек, заводимиз меҳнатчилари совхоз чорвадорлари учун 300 тонна дағал-хашак йиғиб бердилар.

Ҳозирда совхознинг 15 та ишчи-кадрини мавжуд техникани ремонт қилишга ўқитиш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдик. Биз уларни слесарь, токарь, фрезерчилик касбларига ўргатамиз.

1979—1982 йилларда заводимизни тўла реконструкциялашни кўзда тутганмиз. Реконструкциядан сўнг қишлоқ хўжалик машиналарига мўлжалланган редукторлар ишлаб чиқариш қуввати янада ортади. Шунингдек, 80 процент маҳсулотни Давлат Сифат белгиси билан тайёрлаш имкони туғилади.

Г. РУДКОВ,
агрегат заводи 1-цехининг йиғувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

Тракторсозлар ҳиммати

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективи «Сибирь ва Узоқ Шарқ буюртмалари муддатидан илгари, юксак сифатда бажарилади!» шиори остида меҳнат қилиб, тайгани ўзлаштирувчиларнинг буюртмаларини тез ва соз бажариб бермоқдалар. Ҳар ойда Кемерово, Тюмень, Чита каби ўнлаб шаҳарларга юк жўнатилмоқда.

БУГУН

Йил бошидан буён Калачинск шаҳрига етказиб берилган прицеплар ғилдирагининг эҳтиёт қисмлари 12 минг комплектга етди. Тракторсозлар бу ердаги заводга ана шу маҳсулотдан пешма-пеш етказиб бермоқдалар.

Сибирнинг кўпгина районларида тошкентлик тракторсозларнинг прицеп ва тракторлари ҳамда эҳтиёт қисмларига талаб ошиб бормоқда. Тайгани, ботқоқликларни ўзлаштиришда техника икки баробар юксак унум билан ишлайди. Сўзсиз бунда тошкентликлар яратаётган техника қўл келмоқда.

Сибирликларга ҳозиргача 300 минг сўмлик эҳтиёт қисм жўнатилди. Шунингдек, Олтой ўлкаси, Ёқутистон ва бошқа жойлар билан ҳам ҳамкорлик алоқаси мустаҳкамланиб боряпти.

МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ

Тошкент шаҳар «Билим» жамияти правлениеси КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми материалларини меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилиш мақсадида олимларнинг корхоналар бўйлаб сафарини ташкил қилмоқда.

БУГУН

Тошкент Давлат университети КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси Б. Г. Сакаулов бошчилигидаги олимлар Чилонзор районидаги «Чевар» тикувчилик бирлашмасида бўлдилар.

Корхона цехларида ўтказилган мазмунли суҳбатлар тикувчиларга манзур бўлди.

Шаҳар билим жамияти бир қатор йирик илмий-тадқиқот институтларининг таниқли олимларини жалб этган ҳолда ана шундай суҳбатларни корхоналарда, қурилиш ташкилотларида ва муассасаларда ўтказмоқда.

ЧИНИҚИШ МАСКАНИ

Студентлар шаҳарчаси йил сайин чирой очмоқда. Ёшларнинг пухта билим олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайлик яратилмоқда. Келгусида бу шаҳарчанинг янада обод бўлиб, кенг қулоч ёйиши кутилмоқда.

БУГУН

Давлат Иттифоқ олий ўқув юрлари биноларини лойиҳалаш институтининг Тошкентдаги устахонасида янги спорт комплексининг техник лойиҳасини ишлаб чиқиш ниҳоясига етди. Ана шу спорт комплекси шаҳар архитектурасининг ўзига хос ҳусни бўлади. У ўзининг кенглиги, спортнинг кўпгина турларини қамраб олиши билан диққатга сазовордир. Бу ерда ўн минг ўринли стадион, енгил атлетика манежи ва икки залдан иборат спорт иншооти қурилиши мўлжалланган.

Янги чиниқиш ва бардамлик маскани архитектор Е. Н. Сепетий бошчилигидаги авторлар коллективи ижодий ишининг маҳсулидир. Лойиҳани ишлаб чиқишда архитекторлар мутахассислардан А. В. Маямсин, К. Жўраев ва конструктор В. П. Соколовалар ижобий изланишлар олиб боришди. Мутахассислар янги спорт комплексининг архитектура жиҳатдан кўркам кўриниши ва қатор имкониятларига қизиқиш билан қарамоқдалар.

• Тошкент—жаҳонга

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА УЧУН

БУГУН

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИНИНГ ЙИҒУВ ЦЕХИ КОНВЕЙЕРИДАН ТУШИРИБ ОЛИНГАН ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ ЭРОНГА ЖУНАТИЛДИ. БУ МАШИНА У ЕРДА УТКАЗИЛАДИГАН ХАЛҚАРО САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ТЕХНИКАСИ ЯРМАРКАСИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ. ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛАРИНИНГ АНА ШУНДАЙ ЯНА БИР МАШИНАСИ ҲАМ ЯҚИНДА ТУРКИЯГА НАМОЙИШ ЭТИШ УЧУН ЮБОРИЛГАН ЭДИ.

Корхона машиналарининг довруғи йил сайин ошиб бормоқда. Шу йили мамлакатимизнинг пойтахти Москвада ўтказилган халқаро қишлоқ хўжалиги машиналари кўргазмасида пахта териш машиналаримиз катта муваффақият билан намойиш этилди. У ерда тўрт қаторли ва икки қаторли машиналарга турли мамлакатларнинг мутахассислари муносиб баҳо беришди.

Айни пайтда корхона ўз машиналарини муваффақият билан экспорт қилмоқда. Шу йилнинг ўзида Греция мамлакати 30 та машина сотиб олди. Эронга эса 11 та машина етказиб берилди. Руминия ва Болгария далаларида ишлаб турган мавжуд машиналар учун 50 минг сўмликка яқин эҳтиёт қисмлар жўнатилди.

Шу кунларда Ироқ мамлакатининг буюртмасини адо этиш учун машиналар йиғилмоқда. У ерга 10 та пахта териш агрегати жўнатилади. Йил охирига қадар Вьетнамга бир партия машина юбориш мўлжалланмоқда.

●

МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

«Подъёмник» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чет эллардаги буюртмачилари сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда корхона маҳсулотларини сотиб олаётган мамлакатларнинг сони 15 га етиб боради.

БУГУН

КОРХОНА МАШИНАСОЗЛАРИ КУТАРМА КРАНЛАРНИНГ БИР НЕЧА ТУРКУМИНИ СУРИЯ, ВЬЕТНАМ, ГДР, ИРОҚ МАМЛАКАТЛАРИГА ЖУНАТДИЛАР. Йил бошидан буён экспортга жўнатилган машиналарнинг умумий сони 30 дан ошади. Йил охирига қадар Югославия, Куба ГДР мамлакатларига ҳам навбатдаги туркум машиналар юборилиши мўлжалланмоқда.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

•Умри боқий дўстлик

Қардошлик ҳиммати

БУГУН

Венгрия Халқ Республикасининг пойтахти Будапештдаги медицина институти студентларидан бир группаси шаҳримиз қурилишларида ҳашар бошлашди.

Қардош социалистик мамлакатнинг вакиллари янги ўқув йили бошлангунга қадар «Промстрой» қурилиш трестининг 63-қурилиш бошқармаси бунёд этаётган объектларда қурувчилар оғирини енгил қилдилар, медицина муассасаларида ўз ихтисосликлари бўйича ишлайдилар.

Венгрия студентлари қурилиш отрядининг командири Петр Стаке бундай деди:

— Биз студентларнинг ёзги меҳнат семестримиз ҳар томонлама қизиқарли ва самарали ўтади. Бу вақт ичида биз ёшлар мамлакатларимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар билан танишамиз.

В. УСМОНОВА.

ИНСТИТУТ БИНОСИ ҚУРИЛИШИДА

Автомобиль йўл институти янги биноси қурилаётган жойда бўлган киши қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўлади. Қурувчилар билан ёнма-ён офтобда тобланган ёшлар шижоат кўрсатишяпти. Улар студентлар қурилиш отрядининг жангчилари бўлиб, бинони бунёд этишда қатнашаётганликлари билан фахрланишади.

Катта иншоотни тиклашда айниқса В. М. Беленький командирлик қилаётган отряднинг жангчилари пешқадамлик қилишмоқда. Ушбу коллектив ҳозиргача 40 минг сўмлик иш бажарди. Бунда Сергей Косухин ва Георгий Левинский етакчилик қилаётган бригадаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Институтда бу йил студентлар қурилиш отрядларига жами 500 киши аъзо бўлган. Саккиз отряд тузилган бўлиб, институт биноси қурилишида тўрт отряд қатнашяпти. «Автомобилист», «Автодорожник», «Юбилейный» ва Виктор Малясов номли отрядлар эса қўшни Қозоғистон ССРдаги Арис станцияси ва Манғишлоқда бунёдкорлик ишлари олиб боришяпти.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Франция Республикасининг Президенти Валери Жискар д'Эстэн Леонид Ильич Брежневга телеграмма йўллади. Унда Президент миллий байрам— Бастилия ишғол қилинган кун муносабати билан йўлланган табриклар учун француз халқи ва шахсан ўз номидан қизғин миннетдорчилик изҳор этади.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Самарқанд область партия комитетининг санъат муассасаларига раҳбарлиги ва уларнинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ролини кучайтириш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика экономикасини ривожлантиришда актив қатнашганликлари ҳамда давлат банки системасида узоқ вақт самарали ишлаганликлари учун бир группа банк ходимларига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берди.



Гўзал пойтахтимиз шу кунларда янада чиройли қиёфа касб этган. Иттифоқдош республикаларнинг шаҳарларидан, республикамиз областларидан келган меҳмонлар унинг хушманзара боғларини, диққатга сазовор жойларини қизиқиб томоша қилишмоқда. Сиз кўриб турган ушбу суратда В. И. Ленин марказий музейининг шаҳримиздаги филиали акс этган. Шу кунларда музейни минглаб меҳмонлар зиёрат қилишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Автомат буюртма қабул қилади

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси янги хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

БУГУН

76, 77, 78 рақамлари билан бошланувчи автоматик телефон станциялари хизмат кўрсатувчи абонентларга автомат усулда ремонт қилиш бўйича хизмат кўрсатувчи бюро ишлай бошлади.

Агар телефонингиз бузилиб қолган бўлса, аввал 08 рақамини, кейин ўз телефонингиз номерини терсангиз автомат буюртмангизни дарҳол қабул қилиб олади. Бу янгилик албатта ҳамшаҳарларимизга маъқул бўлиши, уларнинг қийин юмушини енгиллатиши аниқ.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ДОЛЛАРНИНГ ҚАДРИ КЕТМОҚДА

Ғарбда валюта-молиявий танглик яна кучайиб кетди. Капиталистик дунёнинг асосий резерв валютаси бўлган Америка доллари тобора қадрсизланмоқда. Капиталистик мамлакатларнинг газеталари «Доллар пастга думаламоқда», «Доллар— сўник валюта», «Валюта бебошлиги» деган сарлавҳалар билан шу кунларда тўлиб чиқмоқда.

Америка валютасининг проблемалари бугунги куннинг проблемалари эмас. Бу проблема бошланганлигига жуда кўп вақт бўлди. Кейинги бир ярим йил ичида долларнинг қадри Швейцариянинг франкига нисбатан 40 процент, Япониянинг иенасига нисбатан 30 процент, Ғарбий Германиянинг маркасига нисбатан 14 процент тушиб кетди.

Долларнинг қадри тушиб кетаётганлигининг чуқур сабаблари бор. Бу—аввало, жаҳон бозорларида Қўшма Штатлар позицияси заифлашиб қолганлигидир. Кейинги йилларда АҚШнинг ташқи савдо баланси ҳар доим жуда катта дефицит билан якунланмоқда. Бу децифит бултур 26,7 миллиард долларга етди, бу йил эса бундан ҳам кўпроқ бўлади деб кутилмоқда. Бундай дефицитлар АҚШ доирасидан ташқаридаги мамлакатларда доллар пуллар жуда кўп миқдорда тўпланиб қолаётганлигини кўрсатади. Америка экономикаси кейинги 40 йил ичида мисли кўрилмаган иқтисодий танглик оқибатларини сира бартараф қилаолмай қолган бир пайтда бу нарса долларга нисбатан «ишонч» йўқолиб бораётганлигини кўрсатади.

Долларнинг қадрсизланиши АҚШнинг ўзида биринчи галда ташвиш туғдириши керак эди. Лекин халқаро валюта бозорларида бутунлай бошқача манзарани кўриш мумкин: доллар пастга думалаб бораётганлигини Вашингтон кўриб турган бўлса ҳам аммо уни қадрини сақлаб қолиш учун тузук бир чора кўрмаяпти. Бунинг сабаби маълум, долларнинг қадрсизланиши ва бошқа валюталарнинг қадри айни вақтда кўтарилиб бораётганлиги Америка молларини рақобатга кўпроқ бардош берадиган қилиб қўяди, бу эса рақибларнинг жаҳон бозорларидан суриб чиқаришга имконият очиб беради.

Бундай худбинлик АҚШ шерикларининг норозилигини туғдирмаслиги мумкин, эмас, албатта. Энг катта еттита капиталистик давлат бошлиқларининг яқинда Боннда бўлиб ўтган кенгашида доллар проблемаси махсус муҳокама қилинди. Кенгаш қатнашчилари, жумладан, АҚШдан савдо дефицитларини камайтириш мақсадларида катта-катта доллар тўлаб четдан нефть сотиб олишни қисқартиришни ва шу тариқа ғарб мамлакатларни қадрсизланган доллар оқимидан сақлаб қолишни талаб қилдилар. Бироқ АҚШ мужмал ваъдалар беришдан нарига ўтмади. Ғарб давлатларининг пойтахтларида бу ваъдалар хеч кимни қаноатлантирмади. Шунинг учун ҳам Бонндаги кенгаш тамом бўлиши биланоқ капиталистик дунёдаги асосий валюта биржаларининг ҳаммасида валюталарнинг қадри яна тушиб кетганлиги тасодифий эмас. Рейтер агентлигининг хабарида айтилганидек, шу тариқа «савдо саноат дунёси Бонндаги учрашув натижаларидан ўзининг қаноатланмаганлигини изҳор қилди».

«Доллар васвасаси» капиталистик мамлакатлар аҳолиси устига оғир юк бўлиб тушмоқда. Америка валютасининг қадрсизланиши, аввало, ғарб аҳолисининг камбағал табақаларини мушкул аҳволга солиб қўяётган инфляцияни кучайтираверади. Капитализмнинг валюта-молиявий танглиги азобини меҳнаткашлар тортмоқда.

И. АБЛАМОВ,
ТАСС шарҳловчиси.

телетайп лентасидан

☆ **СОФИЯ.** Болгариянинг Ловеч шаҳридаги «Элпром» заводи коллективи «Совет Иттифоқи учун — аъло сифатли маҳсулот!» шиори остида ишламоқда. Бу корхона турли хил электр моторларни кўплаб етказиб бермоқда. Корхона бу йил Совет Иттифоқининг ўзигагина 250 мингта электр мотор жўнатади. Ловеч заводи Болгария электротехника саноатининг энг катта корхоналаридан биридир. Бундан 30 йил муқаддам Совет Иттифоқининг ёрдами билан шу тармоққа асос солинган эди. Шу беш йилликда Болгария электротехника саноати мамлакатимизга экспорт қиладиган маҳсулотнинг қариб 70 проценти ихтисослаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан иборат бўлади.

☆ АФИНА. Бу ерда Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда халқаро ва ички воқеаларга тааллуқли масалалар кўриб чиқилди. Марказий Комитет демократик кучларнинг сайловда ҳамкорлик қилишига қаратилган ташаббуслар доирасида мамлакатдаги муниципал сайловларга тайёргарлик қандай бораётганлигини муҳокама этди.

☆ **БОНН.** Ҳозирги вақтда Ғарбий Германияда чиқадиган кундалик газеталар тиражининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини назорат қилиб турган «газета қироли» Аксель Шпрингер ўз «империясини» кенгайтиришга интилмоқда. Яқинда у Бавариядаги ҳукмрон христиан-социал иттифоқ партиясининг ёрдамида Мюнхендаги газета-журнал нашриёти акцияларининг контроль пакетини сотиб олишга уриниб кўрди. Айни вақтда Шпрингер ўз таъсирини газета-журнал ишидан ташқарига, жумладан «Норддойчер рундфунк» радиостанциясига ҳам ёйишга ҳаракат қилмоқда. Бу радиостанция ГФРнинг учта шимолий ўлкаси аҳолисини ахборот билан таъминлаб туради.

☆ ТОКИО. Шу йил май ойидагина фойдаланишга топширилган Токиодаги янги Нарита халқаро аэропорти оғир молиявий аҳволга тушиб қолди. Маҳаллий экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, аэропортнинг 1978 молия йилидаги дефицити 18 миллиард иенадан ошиб кетади. Транспорт министрлиги вакилининг айтишича, бу йил Япония ҳукумати аэропортга берадиган субсидияни анча кўпайтиришга мажбур бўлади.

☆ **БАҒДОД.** Ироқнинг Акбар вилоятида қиймати 8 миллион Ироқ динорига борадиган йирик ирригация лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди.

Уч йил ичида қуриб битказилиши лозим бўлган лойиҳа жами узунлиги 900 километр ирригация каналлари тармоғи вужудга келтирилишини кўзда тутади.

(ТАСС).

• Коммунист ва ишлаб чиқариш

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

...ЎША куни мўлжалимдан 60 — 70 сўм кам маош олдим. Кун бўйи ишчилар билан ҳазиломуз гаплар билан чақчақлашиб юрган одам бирдан кайфиятим бузилди-қолди. Нега шундай бўлганини узоқ ўйлаб, ўйимга етолмас эдим. «Олдинлари ҳечам кам олмас эдим,— ўйлардим ўзимча, — нега энди шундай бўлиб қолдийкин-а?! Балки бухгалтериядагилар янглишишгандир? Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, ахир ойлик маошим 200— 220 сўмдан кам бўлмас эди. Мен тенги ёшлар бошқа корхоналарда 200— 250 сўмга яқин маош олсалар-у, мен бўлсам 120 сўмга ишлаб юрибман. Йўқ, бўнақаси кетмайди, бу ердан кетаман»...

Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб, бошлиғимизнинг олдига кирдим. Кабинетда Абдулазиз ака билан цех партия ташкилотининг секретари Леонид Дмитриевич Извеков нимадир ҳақида баҳслашиб ўтиришар эди. Мен уларга салом бердим-да, аризамни стол устига қўйдим. Абдулазиз ака аризамга кўз югуртириб чиқди-да, ҳайрон бўлиб менга қаради:

— Нима сабабдан бўшамоқчисан, ука?

— Шу... Ҳалигидек... маошни кам олдим...

— Фақат биргина сен эмас-ку,—гап қотди менга Леонид Дмитриевич, — бошқалар ҳам кам олишди. Ўзинг биласан-ку, цехимиз хўжалик ҳисобига ўтган. Цех қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарса, ишчиларнинг маоши ҳам шунчалик яхши бўлади. Биз эса бу ойда планга нисбатан бор-йўғи 60 процент маҳсулот бердик. Шунга кўра маошимиз ҳам камайиб кетди. Албатта, бу ерда бизнинг айбимиз йўқ. Буларни ҳаммасига бизга ўз вақтида хом ашё етказиб бермаган қуйин цехлар айбдор. Сен бунга ҳечам хафа бўлаверма, кейинги ойда маош яхши бўлади...

Мен узоқ ўйланиб қолдим. Орадаги жимликни яна Леонид Дмитриевич бузди:

— Дейлик, сен бу ердан бўшаб бошқа корхонага бординг. У ердаги нотаниш одамларга, нотаниш дастгоҳларга қандай қилиб тезда кўникиб кета оласан. Бу ерда эса ҳамма ишчиларни, ҳамма иш процессларини беш қўлингдек биласан. Ўзинг ҳам тузук йигитсан. Сени бу ерда ҳамма ҳурмат қилади. Яна бир ўйлаб кўр...

Мен Леонид Дмитриевич Извековнинг гапи тўғрилигини тушундим ва қизариб-бўзариб бошлиқ кабинетидан чиқиб кетдим. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас цех коммунистларининг очиқ мажлиси бўлди.

Цехимизнинг «Қизил бурчаги» сув қуйгандек жим-жит. Ҳамма диққат билан цех бошлиғи А. Абдулхаевнинг сўзини тингламоқда.

— Ишимиз чатоқ, ўртоқлар,— дейди у ишчиларга бирма-бир назар ташларкан, — ойнинг тугашига ҳам уч кун қолди. Лекин пландан бир кун орқадамиз. Қандай қилиб бўлса ҳам ойлик планни бажаришимиз шарт. Бу биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Хом ашёмиз етарли, энди планни бажариш сизларга боғлиқ. Хўш, сизлар бу ҳақда қандай фикрдасизлар?..

Биринчи бўлиб цех партия ташкилотининг секретари, Леонид Извеков сўз олди:

— Ўртоқлар, Абдулхаевнинг гапида жон бор. Планни бажариш бу бизнинг бурчимиз. Планни бажармасак мукофотдан ҳам маҳрум бўламиз, ҳам маошниям кам оламиз. Шунинг учун завод раҳбарлари олдида қизариб қолмаслик учун бир тан-у, бир жон бўлиб, ойлик планни бажаришга қатъий аҳд қилишимиз керак..

— Лёня, сенинг гапинг жуда тўғри, — деди цехимизнинг ветеран ишчиси Сафо ака Алимов, — лекин шуни айтиш керакки, баъзи ишчилар ўз ишларига ўта масъулиятсизлик ҳамда совуққонлик билан қарамоқдалар. «Вақт ўтса бўлди» қабилида иш тутишиб, кўр-кўрона меҳнат қилмоқдалар. Мана шуларнинг оқибатида хом ашёларимиз бир-бирига қалашиб, моғорлаб ётибди. Уларни ишлаш учун ишчи кучи етишмайди. Кўпгина ишчиларимиз бетобликлари сабабли ишга чиқишмаяпти. Мана шунинг учун ҳам кўплаб станоклар бўш турганлиги сабабли кунлик нормани эплай олмаяпмиз. Астойдил қўлни-қўлга бериб меҳнат қилсак, янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиорини тўла қўллаб-қувватлаб, унга қатъий амал қилсак биз бу қийин вазиятдан чиқа оламиз...

Қолган ишчилар ҳам Сафо аканинг гапини маъқуллашиб, ўз фикрларини билдиришди. Мажлисдан сўнг иш қизиб кетди. Цех ишчилари коммунистлар ташаббуси билан сменадан кейин бир соат қолишиб ишлашди. Эртасига ҳам кўпгина ишчилар смена бошланишидан бир соат-ярим соат илгари келишиб, жўшқин меҳнат қучоғига отилдилар... Шундай қилиб, цех коммунистларининг кўрсатган ташаббускорликлари натижасида май ойи планини ҳам юз фоиз қилиб бажардик.

Цех партия ташкилотида 10 коммунист ва бир партия аъзолигига кандидат бор. Улар фақат ишлаб чиқаришдагина намуна бўлиб қолмай, балки ёш ишчиларга оталарча ғамхўрлик қилиб, келажакда малакали ишчи бўлиб етишишлари учун йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар. Жумладан, цехимизнинг ветеран ишчиси, бригада бошлиғи Восиқ ака Обиджонов ёш ишчи Бахтиёр Шоалимовни шогирдликка олиб, уни олий разрядли малакали ишчи қилиб етиштирди. Ҳозирги кунда Бахтиёр 5-разрядга эга бўлган илғор рандаловчи.

...Шу-шу Леонид Дмитриевични кўрсам, менга керакли маслаҳатлар бериб, тўғри йўл кўрсатган бу меҳнатсевар, доимо самимий ва дилкаш инсонга ўз миннатдорчилигимни билдиргим келади-ю, аммо уялганимданми, ё шу кишига бўлган ҳурматимданми, унга бир оғиз сўз ҳам айта олмайман. Ҳа, цехимиз ишчилари ўз коммунистлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Нега десангиз, биз яшаётган гўзал ва фаровон замонамизда КПСС XXV съезди қарорларини амалга татбиқ этишда цехимиз коммунистлари ишлаб чиқаришда ҳамда жамоат ишларида ғайрат-шижоат кўрсатиб, авангардлик ролини ўйнамоқдалар.

И. ЗОИРОВ,

«Ўзбекистон» табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-кўн заводининг пардозлаш цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

• Бизнинг календарь

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Эски Тошкентни янги, замонавий тарзда яшартиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшганлардан бири — Баҳром Нурмуҳамедовдир. Баҳром Нурмуҳамедов 1868 йилда Тошкентда дурадгор оиласида дунёга келди. У 18 ёшга қадар эски услубдаги мактабда таълим олди, уни тугатгандан кейин Октябрь революциясига қадар турли қурилишларда дурадгорлик билан шуғулланди. Баҳромлар оиласи қашшоқлик ва етишмовчиликда оғир шароитда турмуш кечирар эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясини Б. Нурмуҳамедов ҳам олам-олам қувонч билан кутиб олди. Унинг хонадонига ҳам бахт келди, янги замон, янгича турмуш бошланди. Энди эса Тошкентни ҳам замонавий тарзда ўзгартириш лозим эди. Баҳром Нурмуҳамедов бунинг ташаббускорларидан бири бўлиб майдонга чиқди.

1917 йили Эски шаҳарда (Тошкент) Қурувчилар союзи ташкил этилди, Б. Нурмуҳамедов бу ташкилот раисининг муовини бўлди.

У 1918 йили Коммунистлар партияси сафига қабул қилинди.

Баҳром Нурмуҳамедов меҳнати, ташаббускорлиги, ўз касбига фидойилиги ва содиқлиги туфайли обрў, ишонч ва ҳурматга сазовор бўлди. Орадан кўп ўтмай, 1919 йили уни Қурувчилар союзининг раиси қилиб сайладилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли ўз меҳнат самарасини кўрган Б. Нурмуҳамедов партия ишончи, халқ эътиборига сазовор бўлиб, бир неча бор Тошкент шаҳар Советига, Туркистон касаба союз Советига депутат, ўлка партия, совет ва касаба союз, съезд ва конференцияларига делегат этиб сайланди.

1919 йил апрель ойида Туркистон Совет Федератив Республикаси касаба союзларининг I съезди бўлиб ўтди. Бу пайтда Туркистон касаба союзлари аъзоларининг умумий сони 92158 га етган эди. Шундан 227 киши I съездга делегат бўлди. Шу вақтга келиб, мусулмон ишчи қурувчилар союзида 3000 аъзо бўлиб, шундан I съездга 10 касаба союз аъзоси делегат этиб сайланди, булар орасида Б. Нурмуҳамедов ҳам бор эди.

Б. Нурмуҳамедов партия ташкилоти ва касаба союзларининг топшириғига биноан меҳнаткаш ўзбек халқи Қизил Армия сафида хизмат қилишнинг афзалликларини тушунтиришда актив қатнашди, маҳаллий аҳолидан кўплаб Қизил Армияга жалб этишга эришди. «Қурувчилар союзи» 2-Туркистон ўқчи дивизиясини оталиққа олган эди, шу дивизия билан бирга Фарғона водийсида босмачиларга қарши олиб борилган жангларда у ҳам шахсан иштирок этиб, душманга қарши актив кураш олиб борди. Бу ерда босмачиларга қарши курашларда жонбозлик кўрсатганлиги учун уни дивизиянинг ҳурматли Қизил армиячиси этиб сайладилар.

1920—1921 йилларда эса совет органларида, жумладан Тошкент шаҳар Советида коммунал бўлимининг бошлиғи ҳамда Сирдарё область комитети Қурувчилар союзининг раиси лавозимларида ишлади.

1924 йили Б. Нурмуҳамедов Қўқон область комитети Қурувчилар союзининг раиси бўлди.

У қаерга ишга юборилмасин, ҳамма ерда ўз ташаббускорлиги, жонкуярлиги ва ташкилотчилигини кўрсатди.

1925 йили Б. Нурмуҳамедов пенсияга чиқди ва орадан 3 йил ўтгандан сўнг вафот этди.

Халқ бахт-саодати йўлида, янги ҳаёт учун курашда фидокорлик кўрсатган Б. Нурмуҳамедов номи авлодлар хотирасидан асло ўчмайди, унинг қилган меҳнатлари ҳамиша эъзозланади.

Д. БОБОЖОНОВА,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг ходими.

• Республика бўйлаб

АДИР ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН

Жалолқудуқ районида «Гулбаҳор» насос станцияси ишга тушди. Кучли агрегатлар 175 метр баландликда жойлашган Серго Оржоникидзе номли янги совхознинг адир ерларига сув чиқарди. Станция хўжаликка бўш ётган беш минг гектар ерни ўзлаштириш имконини беради.

ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг қуёнбоқарлари йил бошидан буён гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтирдилар. Улар шу давр ичида давлатга 2 минг килограмм парҳез маҳсулот топширдилар. Хўжаликда қуёнларни боқиш учун кенг, ёруғ бино қурилди. Ҳозир бу ерда 1200 қуён боқилмоқда. Тажрибали қуёнбоқарлар С. Галиаҳмедова ва З. Саидова шу жониворларни парвариш қилмоқда. Хоразм областидаги колхоз ва совхозларда чорвачиликнинг ана шу тармоғи тобора кенг ривож топмоқда.

ЭКСКАВАТОРЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

«Наманганводстрой» трестининг экскаваторчиси Рашид Исмамбетов беш йиллик бошидан буён бир миллион кубометр ер қазиш ишларини бажарди. У шу тариқа беш йиллик планни бажариб қўйди. Экскаваторчи ана шу юқори кўрсаткичлари учун тармоқнинг етакчи касбларидаги ишчилари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилди. Унга СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг фахрий дипломи топширилди.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Чуст районидаги «Ғалаба» совхозининг йилқичилари савдо тармоқларига шифобахш ичимлик — қимизнинг дастлабки тоннасини жўнатдилар. Хўжаликнинг бир йил муқаддам ташкил қилинган фермасида ҳозир 230 бош байтал бор. Бу йил фермада 20 тонна қимиз етиштириш мўлжалланмоқда. Беш йиллик охирига бориб қимиз етиштириш беш баравар ортади.

ДЕПУТАТЛИК ПОСТЛАРИ

Наманган районидаги Куйбишев қишлоқ советининг депутатлари сайловчиларнинг бирданига иккита наказини бажардилар; уларнинг жонкуярлиги туфайли Раустон поселкасида 120 ўринли болалар боғчаси ва ошхона-чойхона қурилди. Ана шу янги қурилишларда дастлабки кундан бошлаб то қурилиш ишлари тугагунга қадар депутатларнинг постлари ишлаб турди.

ТОМ УЧУН БЕТОН

Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг ўқитувчиси, техника фанлари кандидати Абдулла Салимов бетоннинг янги турини яратди. Одатдаги компонентлардан ташқари бу бетон составига битум ва петролатум ҳам киради. Бу компонентлар бетонни томларнинг устини ёпиш учун ҳам яроқли қилади. Томга ёпиладиган одатдаги материаллар —битум ва рубероиддан фарқли ўлароқ бу янгилик бир қанча афзалликларга эга: у нам ўтказмайди, оловга бардошли, коррозияга чидамлидир. Бундай томлар аслида «абадий» бўлиб, мавжуд томларга қараганда анча арзонга тушади.

Тошкентда томи ана шундай бетон билан ёпилган дастлабки уй қурилган. (ЎзТАГ).

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сиз ушбу фотолавҳада бирлашманинг пешқадам ишчиси Кенес Дуйсеновни кўриб турибсиз. У сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга доимо кунлик планларини ортиғи билан адо этади.

Р. ЗАГРАТДИНОВ фотоси.



«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини кун сайин авж олдиряпти. Корхонанинг кўпгина зарбдор ишчилари беш йиллик топшириқларини 2,5—3 йилда бажариш ташаббусига қўшилганлар. Мана бу фотолавҳада сиз корхона механика цехининг илғор токарлари «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган Петр Стадников (чапда) ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Рауф Ҳамитовларни иш жараёнида кўриб турибсиз. Бу ишчилар ҳозир 1980 йил топшириқларини уддаламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

Проспект истиқболи

Чилонзорни шаҳар маркази билан энг яқин йўл орқали боғловчи «Халқлар дўстлиги» проспекти бунёд этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Маҳалла типида қурилган эски биноларни бузиш ҳисобига қурилган проспект тез орада шаҳримизнинг энг гўзал, обод магистралларидан бирига айланди. Пойтахтнинг жануби-ғарбий зонаси орқали ўтган Катта Ўзбек тракти ана шу автомагистрал орқали шаҳар марказига туташган.

Проспектнинг Чилонзордан ўтадиган қисмида ҳозирга қадар кўплаб уй-жой ва маданий-маиший бинолар комплекслари қурилди. Шаҳар кўркига-кўрк қўшувчи ноёб архитектура иншоотлари ҳам шу кўчада қад кўтармоқда. «Халқлар дўстлиги» проспектининг шаҳар ташқарисига чиқадиган қисмида яқинда Ўрта Осиёда энг йирик бўлган «Тошкент» автовокзали ишлай бошлади. Шаҳар марказига туташган қисмида эса 4100 ўринли кино-концерт зали қад кўтармоқда.

«Гордорстройремонт» трестининг бунёдкорлари эса ана шу проспектни Фурқат кўчаси билан боғловчи ноёб транспорт туннели қурилишини бошлаб юбордилар. Ўз тузилиши жиҳатидан анча мураккаб бўлган бу иншоот «Халқлар дўстлиги» майдони чорраҳасида транспорт проблемасини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Майдонда қад кўтараётган партия тарихи институти ва Узсовпрофнинг осмонўпар бинолари ўз чиройи билан бу ерда ягона меъморчилик комплексларини ташкил этади. Улкан томошахона, транспорт туннели, ободонлаштирилган ҳордиқ чиқариш зоналари ўзаро уйғунлашиб бир бутунликни ташкил этади.

Проспектнинг бундан кейинги истиқболи ҳам янада қизиқарлидир. Пойтахтимиздаги шаҳарлар қурилишини лойиҳалашга ихтисослаштирилган «Ташгипрогор» институтининг Ю. Иванников бошлиқ 8-устахонаси меъморлари шу кунларда «Халқлар дўстлиги» проспектининг яқин йиллардаги истиқболи устида ишламоқдалар.

Ҳозирга қадар бу устахона меъморлари томонидан ушбу проспектдаги Меҳнат резервлари спорт жамиятининг спорт комплексини лойиҳалаш ишлари амалга оширилган эди. Бугунги кунда эса ушбу комплекснинг иккинчи навбати лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда. Лойиҳа режаларига кўра бу ерда 120 ўринли меҳмонхона, очиқ сузиш бассейни, шунингдек, ванналари бўлган усти ёпиқ сузиш бассейни қурилади. Ҳозир бу лойиҳаларнинг иш чизмалари ишлаб чиқилмоқда. Спорт комплексининг иккинчи навбатини ташкил этувчи 15 минг томошабинга мўлжалланган яна бир спорт аренаси, медицина-биология маркази лойиҳалари ҳам диққатга сазовордир.

Пойтахтимиздаги улкан спорт комплексларидан бири бўлган бу ноёб иншоотнинг учинчи навбатини лойиҳалаш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу навбатда усти ёпиқ хоккей майдони қурилиши режаланган. Республикамизнинг спорт ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган бу иншоотлар ўз чиройи ва қиёфаси билан «Халқлар дўстлиги» проспектига такрорланмас гўзаллик бахш этади.

Институтнинг Ю. Иванников бошлиқ устахонаси меъморлари проспектнинг Фурқат кўчасидан Оқтепа каналигача бўлган ўнг томонида қад ростлайдиган осмонўпар турар жой объектларини ҳам лойиҳалашмоқда. Бу ерда 9 ва 12 қаватли турар жой комплекслари бир-бирига мутаносиб ҳолда жойлаштирилади. Проспектнинг шимолий-ғарбий қисмида қуриладиган бу турар жой бинолари лойиҳасида замонавий меъморчиликнинг барча ютуқларидан фойдаланилмоқда. Жумладан ушбу турар жой комплексларида оригинал қуёш тўсқич мосламалари қўлланилиши билан бирга аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинмоқда. Бу ерда болалар майдончалари, мактаблар ва боғчалар, магазин ва ошхоналар, турли дўконлар қуриш, шунингдек аҳолининг қулай имкониятлардан фойдаланишларига шарт-шароит яратиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Кўп қаватли бинолар трубопроводлар, кир қуритиш майдончалари билан таъминланади. Биноларнинг ташқи томонларини безашда эса халқлар дўстлигининг тимсоллари бўлган безаклардан ўринли фойдаланилади.

Институтнинг А. Косинский бошлиқ меъморлари эса ушбу проспектда ўзбек меъморчилигининг энг қадимий анъаналаридан фойдаланиб қуриладиган янада оригинал объектлар устида ишлаяптилар. Бир сўз билан айтганда СССР халқлари дўстлиги рамзи бўлган «Халқлар дўстлиги» проспекти ўз номига муносиб тарзда янада улуғвор қиёфа касб этмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ.

КЎЧАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Киров районидаги Мирзааҳмедов кўчаси шу кунларда янада гўзаллашиб бормоқда. Ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трестига қарашли 1-ремонт қурилиш бошқармаси бу ерда катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга оширди. Ш. Баҳромов ва З. Ҳафизов бошлиқ бригада йўлсозлари шу кўча бошидаги майдонни грейдерлар ёрдамида текислаб асфальтлашмоқда.

Айни пайтда, Киров район ободонлаштириш бошқармасининг ишчилари 25 ва 29-трамвайлар йўли атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқдалар.

М. ХОЛМАТОВ.

ТУРЛИ АДРЕСЛАРГА

«Ажойиб олмалар юборган «Социализм» совхозининг боғбонларига ўзимизнинг балиқчилик саломимизни йўллаймиз. Япон денгизи. «Ўзбекистон» балиқчилик сейнери борти» — Сирдарё область матлубот союзи номига ана шундай мазмундаги телеграмма келди.

Бу йил Сибирь ва Узоқ Шарқдаги шаҳарларнинг аҳолиси витаминли маҳсулотларнинг асосий истеъмолчиларидир. Маҳсулот тайёрлаш мавсуми бошланганидан буён уларга 3,6 минг тонна карам ва помидор жўнатилди. Яқинда кўп миқдорда олма, нок ва узум юборилади.

Мирзачўл маҳсулотини чет эллик буюртмачилар ҳам кутмоқдалар. Венгрия ва Болгария қандолатчиларига 150 тонна ер ёнғоқ, Монголияга эса кўп миқдорда Мирзачўл қовун ва тарвузлари жўнатилади.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА босилгандан кейин

«Айтавериб чарчадик»

Юқоридаги сарлавҳали материал газетанинг 9 июнь сонида босилиб, унда Қобилов кўчасидаги тартибсизликлар танқид қилинган эди.

Киров район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда бу масалада чора кўрилгани, кўча тартибга келтирилгани хабар қилинган эди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Янги мустамлакачиларга зарба

ЛАГОС. Нигерияда чиқадиган «Найжириэн геральд» газетаси Совет Иттифоқининг ва социалистик ҳамдўстликнинг бошқа давлатларининг Африкадаги давлатларга нисбатан принципиал ва бегараз сиёсатига юксак баҳо берди. СССРнинг бу қитъада халқларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишдан бошқа ҳеч қандай мақсади йўқ, бу халқларнинг ўзлари ҳам ташқаридан қилинаётган ҳамлаларга қарши ёрдам беришни сўраб, СССРга мурожаат қилмоқдалар, деб ёзади газета.

АҚШ ва унинг НАТО блокидаги иттифоқчиларининг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг Африкага доир сиёсати моҳиятини бузиб кўрсатиш йўлидаги уринишлари, деб уқтириб ўтилади мақолада, Африкани озод қилиш учун олиб борилаётган курашни заифлаштириш мақсадини кўзда тутади.

Биз, деб таъкидлайди «Найжириэн геральд» газетаси, Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатларнинг ирқчиликни социал зулм ва тенгсизликни узил-кесил тугатишга қаратилган сиёсатини табриклаймиз. Ғарб Африкада, ирқчилик, социал зулм ва тенгсизликни жорий этмоқда.

Рус тилига қизиқиш

ГАВАНА. Ҳозирги кунда рус тилини биладиган кубаликларни республиканинг ҳар бир қисмида учратиш мумкин. Халқ хўжалиги турли тармоқларининг СССРда таълим олган мутахассислари рус тилини яхши биладилар, албатта. Мамлакатнинг кўпгина олий ва ўрта ўқув юртларида рус тилини фан сифатида ёки факультатив равишда ўрганмоқдалар. Маориф министрлигининг планларига мувофиқ 1979—1980 ўқув йилидан бошлаб Кубадаги мактаб ўқувчиларининг қарийб 40 проценти рус тилини ўрганишга киришади.

Гаванадаги «Радио ребельде» радиостанцияси «радио орқали рус тилини ўрганиш» программасига мувофиқ ҳар куни эшиттириш ўтказмоқда. Неча ўн минглаб ишчилар, хизматчилар, уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган аёллар ана шу эшиттиришларни тинглаб турибдилар. Озодлик оролида ҳар йили рус тилини яхши билиб олиш оммавий конкурси ўтказиб турилади.

Пойтахтда А. С. Пушкин номли рус тили институтининг филиали очилди. Бу филиал кубаликларга катта ёрдам бермоқда. У Кубадаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Методикага доир махсус қўлланмалар тайёрламоқда айрим мавзуларга доир лекциялар, виставкалар ва стендлар уюштирмоқда.



Вьетнам бирлашгандан сўнг бу ерда денгиз транспортини ривожлантириш учун янги истиқболлар очилди. Ҳозир мамлакатда бир нечта йирик денгиз портлари мавжуд. Улар орасида Хайфон, Дананг ва Хошимин портлари ўзининг катталиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Вьетнамда савдо флотини ривожлантиришда Совет Иттифоқи яқиндан ёрдам бермоқда.

СУРАТДА: Совет кемаси «Моршанск» Хайфон портида.

ВИА—ТАСС фотоси.

Асосли ташвиш

САН-ФРАНЦИСКО. АҚШ маъмуриятининг кейинги чоралари Совет Иттифоқи билан муносабатларни ёмонлаштириш чоралари эканлиги Америка жамоатчилигини тобора кўпроқ ташвишга солмоқда.

Американинг таниқли жамоат арбоби ва ёзувчиси Альберт Кан ТАСС мухбирига бундай деди: «Бундай чораларни иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ ўтказаётган ҳалокатли йўлнинг акс-садоси, деб ҳисоблаш керак. Бу йўл АҚШни Корея ва Вьетнам урушларга тортди, фақат қурол-ярог фабрикантларига фойда келтирган тобора оғир ва тобора хатарли ҳарбий программаларга сабаб бўлди. Бундай сиёсат америкаликларни доимо кўпайиб бораётган солиқларга, тўхтовсиз инфляцияга дучор қилди, мамлакатда норозиликни кучайтириб юборди».

Ҳозирги вақтда деб давом қилди А. Кан, АҚШ ҳукумати халқнинг диққат ва эътиборини ички қийинчиликлардан чалғитишга, ҳарбий ҳаражатларнинг кўпайтирмоқ учун баҳоналар топишга уринмоқда. СССРга қарши душманлик пропагандаси олиб борилаётганлигининг боиси ҳам мана шундадир Америкаликларни ҳарбий мақсадларга ўн миллиард доллорлаб пул сарфлашлари лозимлигига кўндирмоқ учун қандайдир «душман» америкаликларга таҳдид солмоқда деган ёлғон гапларни ишга солмоқдалар, «коммунистик хавф» бор деган сафсатани авж олдирмоқдалар.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги мудҳиш мунофиқона компанияга мана шу нуқтаи назардан қарамоқ керак, деди А. Кан. Миллион-миллион америкаликлар танининг туси сабабли геттоларда азоб тортмоқдалар-ку ахир.

АҚШда «фикрлар эркинлиги»га келсак шахсан менга чет мамлакатларга чиқишни ўн йиллардан бери тақиқлаб қўйишди. Мен ўз асарларимни нашр эттириш учун 15 йилдан бери ношир тополмай сарсонман. Мана шуларнинг ҳаммаси АҚШ ҳукумати ўтказаётган «совуқ уруш»га қарши чиққанлигимнинг натижаси бўлди. Бошқа кўп кишилар ҳам мана шундай тақиқларга учради.

В. ЧУКСЕЕВ.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ЗАЙНУТДИНОВА: Ўн ва ундан ортиқ бола тарбиялаган Қаҳрамон оналарга қандай имтиёзлар жорий этилади?

Жавоб: Оналар ўнинчи ва ундан ортиқ болаларини туққанларида ўзлари яшайдиган район ижроия комитетининг социал таъминот бўлимига моддий ёрдам сўраб ариза ёзишлари керак. Уларга дастлаб 250 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатишади. Чақалоқ бир ёшга тўлганидан сўнг эса, у беш ёшга тўлгунча ҳар ойда 15 сўмдан ёрдам бериб борилади.

Қаҳрамон она навбатдан ташқари квартира, енгил машина олиши, болаларини ясли ва боғчага интернатга жойлаши мумкин. Болалар интернатга жойланганда тўла равишда давлат таъминотида бўладилар.

* * *

В. АҲМАДЖОНОВ: Ишчи ва хизматчиларга меҳнат отпускаси бериш тартиби қандай?

Жавоб: Ишчи ва хизматчиларга отпуска бутун йил давомида берилади. Отпускага чиқиш вақти, тартиби ва навбати (графиги)ни корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ва цех, фабрика-завод касаба союз комитетлари ўзаро келишиб ҳал қилишади.

Ҳар йилги отпускалар шу йилнинг 1 январдан кечикмай тузилиши лозим. График тузилганда ишлай бошлагандан кейин иккинчи йилдан ишчи ва хизматчиларга мазкур меҳнат йилида ўн бир ой ишлаган бўлмаса ҳам аванс тариқасида отпуска бериш мумкин.

Отпускалар графиги тузилганда меҳнаткашларнинг айрим тоифасига: оғир оёқли аёлларга, ишчи-ёшлар мактабларининг ўқувчиларига, вояга етмаган ёшларга отпуска беришнинг алоҳида қоидаларини ҳисобга олиш лозим.

Санаторий ва пансионатларда даволаниш учун путёвкаси бўлган ишчи ва хизматчиларга отпуска путёвка кучга кирадиган кундан берилади.

Маъмурият фабрика-завод касаба союз комитети билан келишиб тасдиқлаган отпускалар графиги барча ишчи ва хизматчиларга эълон қилиниши керак. Ҳар бир ходим отпускага чиқиш вақтини камида ўн беш кун аввал билиши лозим.

Белгиланган график маъмурият ва ходим учун мажбурийдир. Маъмурият графикни бузса, ходим ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб меҳнат баҳслари комиссиясига мурожаат қилиши мумкин.

Агар ходим отпуска пайтида оғриб қолса, маъмурият унинг бетоблик кунларидаги отпускасини чўзиши ёки отпускасининг фойдаланилмаган қисмини бошқа пайтга кўчириши мумкин.

Маъмурият отпускани фақат ходим билан келишиб қисмларга бўлиши мумкин. Маъмуриятнинг ходимни отпускадан чақириб олишга ҳаққи йўқ.

Ишчи ва хизматчиларга отпуска ҳар йили берилиши шарт. Уни келаси йилга кўчириш ман этилади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Анвар Мирзамуҳамедов «Ўзсельхозтехника»нинг Калинин район идорасида бош инженер бўлиб ишлайди. У раҳбар сифатида идорасида меҳнат интизомини жиддий кузатиб борса ҳам, транспорт интизомини менсимайди. Масалан, яқинда у ишдан кейин маст ҳолда ИЖ — Юпитер маркали 93 — 82 ТНГ номерли мотоциклнинг рулига ўтирди. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспектида бораётиб, тўкиб қўйилган бетон устига чиқиб кетди ва рулни бошқараолмай ағанаб тушди. Натижада яраланган ҳолда 17-шаҳар касалхонасига олиб борилди.

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

• Шифокор маслаҳати

ОФТОБДА ҚОРАЙГАНДА...

Қуёшли, очиқ ҳавода бўлиш, тиниқ сувда чўмилиш, хуллас баданни чиниқтириш инсонни бардам, хушчақчақ қилади, кайфиятини яхшилайди ва асабини мустаҳкамлайди, бу тадбирлар ҳаётий функцияларни яхшилашга ёрдам беради. Бироқ қуёш, сув ва ҳаводан нотўғри фойдаланиш ҳар хил касалликларнинг келиб чиқишига, баъзан шикастланишга сабаб бўлади.

Ҳар йили ёз фаслида қуёш нури таъсири натижасида тери куйиши, офтоб элтиши, бурун қонаши, қаттиқ лат ейиш каби хасталиклар билан беморлар касалхонага келиб ётадилар. Мана бир мисол. Малик исмли бир киши район поликлиникасига офтоб уриши хасталиги билан олиб келинди. Текшириш натижасида Малик беш соат давомида қуёш нури таъсирида тобланган, оқибатда кечга бориб бутун тана, айниқса икки оёқ ва қорин терисида қаттиқ оғриқ пайдо бўлган. Терининг баъзи жойлари пўрсилдоқ бўлиб шишиб кетган. Бундай ҳолат беморда гоят оғир кечади.

Тобланмаган киши офтоб нури тигида узоқ вақт ётса, ана шундай куйиш ҳоллари юз беради.

Қуёш ёғдуси таъсирида куйиш асосан икки хил формада кечади. Қуёш нуридан биринчи даражали куйишда тери қизаради, ачишади, бир оз шишади, вақт ўтиши билан пўст ташлайди. Қуёшда куйишнинг иккинчи даражасида тери юза қабати пўрсилдоқ бўлиб шишади, тери орасига сув йиғилади, қаттиқ оғриқ пайдо бўлади.

Одамни офтоб элтиши, «уриши» баъзи ҳолларда учрайди, кўпинча бу ҳол қуёш нури таъсирида кўп вақт бўлиш, бош яланг юрган кишиларда кузатилади. Айниқса, Ўрта Осиё қуёшига ўрганмаган кишиларда офтоб уриши кўп учрайди. Бунда беморнинг кўнгли беҳузур бўлади, қайт қилади, боши айланади, ҳатто ҳушидан кетади.

Қуёш нуридан сақланиш учун албатта бош кийим, енгил матолардан кўйлак кийиш керак. Чўмилгандан кейин офтобда кўп ётмаслик, айниқса кунлар қаттиқ исиганда, қуёш тиккага келганда офтоб уриши ва куйдиришидан эҳтиёт бўлиш лозим.

Бадан қуёш нуридан куйганда ўша жойга вазелин суртиб, беморни дарҳол салқинга олиб чиқилади, сув пуркалади. Агар тери пўрсилдоқ ҳолга келган бўлса, уни кўчириб ёки шилиб юбормасдан, беморни тезда шифохонага келтириш керак.

Ёз фаслида ариқ, анҳор, ҳовуз, кўл ва дарёларда чўмилувчилар ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари лозим. Сув остида шишалар бўлса, оёқни қаттиқ жароҳатлаши мумкин. Синаб кўрилмаган жойларда анҳорларга «калла ташлаш», сувдаги ўрамаларга тушиб қолиш, сув остидаги илдиз-пояларга илашиб қолиш кўнгилсиз воқеаларга сабабчи бўлади. Фарҳод исмли бола сувга оёғи билан сакраганда тиззаси лат еган, бунинг устига оёқ тагини синиб ётган шиша шарт қирқиб юборган. Натижада қон кўп кетиб, ҳолсизланган. Бемор шифохонага тезда келтирилиб, зарур чоралар кўрилди.

Офтоб уриши, бадан куйиши ва сувда чўмилганда бирор жароҳат юз берганда тезда касалхонага мурожаат қилиш керак. Акс ҳолда, кимки ўзича даволанадиган бўлса, кўнгилсиз ҳоллар юз бериши мумкин. Буни ҳар бир киши билиши, ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар бу борада медицина ходимларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.

Шаҳримизнинг Ленин районидаги 1-стоматология поликлиникасининг шифокорлар коллективи аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу поликлиника меҳнаткашларга ҳар куни ўз эшигини очади, кечаси бу ерда врачлар навбатчилик қилишади.

СУРАТДА: моҳир тиш техниклари Абдусамад Азимов ва Ғафур Каримовлар.

М. Нуриддинов фотоси.

◆ НАШРИЕТ ТУҲФАСИ

«Юрак-томир касалликлари»

«Юрак... Бу сўзни ҳар куни неча бор эшитамиз, у ҳақда гапирамиз, танамиздаги бу ажойиб мўъжизанинг уришини доимо сезиб турамиз». Медик олим Носир Қосимовнинг «Юрак-томир касалликлари» китоби ана шу иборалар билан бошланади.

Китобда юрак фаолияти аниқ далиллар орқали ифодаланади. Юрак бир минутда 70 — 80 марта қисқариб-бўшашади. Буни биз оддийгина қилиб «юрак уриши» деб қўя қоламиз. Қарангки, юракда бу ҳаракат бир кунда юз минг марта, бир йилда эса 36 миллион марта такрорланади. Шундай бетиним уриб турадиган юрак шунчалик улкан ишни бажарадики, уни дунёдаги ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди.

Китобхон бу асарда юрак ва қон айланиш органлари, юрак-томир касалликлари, уларнинг пайдо бўлиши ва кечиши ҳақида тўлиқ маълумот олади. Шунингдек, китобнинг асосий қисмида ревматизм, қон босими, атеросклероз, стенокардия, миокард инфаркти хасталиклари қандай пайдо бўлиши содда услубда тушунтириб берилади.

Китоб муаллифи юрак-томир касалликлари ҳақида атрофлича тўхталиш билан бирга, бу хасталикларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш тўғрисида қимматли маслаҳатлар айтади.

Хўш, юрак-томир касалликларига учрамаслик, доим соғлом ва бардам бўлиш учун нима қилиш керак? Бу саволга китоб муаллифи Абу Али ибн Синонинг: «Доимо бир меъёрда ва ўз вақтида бадан тарбия қилган одамнинг дарддан қутилиши учун ҳеч қандай дори-дармоннинг ҳожати йўқ» деган сўзлари билан жавоб беради, жисмоний машғулотларнинг соғлиққа фойдаси ҳақида қизиқарли ҳаётий мисоллар келтиради.

Юрак-томир хасталиклари ва уларнинг олдини олиш ҳақида Ўзбекистон «Медицина» нашриёти чоп этган Носир Қосимовнинг бу китоби кенг китобхонларга юрак хасталиклари ҳақида, улардан сақланиш тўғрисида кўпгина зарур маълумотлар беради.

Т. АШРАФХОНОВ.

Сўраган экансиз...

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Х. НУРИДДИНОВ: Яқинда мен шаҳримиздаги гематология ва қон қуйиш институтида бўлган эдим. Бу ердаги врачларнинг ишини кўриб менда гематология ҳақидаги таълимот, унинг тарихи билан боғлиқ бўлган маълумотларни билиш истаги туғилди. Илтимосимни бажо келтирсангиз.

Жавоб: Гематология — қон, уни яратувчи система, уларнинг тузилиши ва функциялари, касалликлари ва даволаш усуллари ҳақидаги таълимотдир. Ҳозирги гематология оптик, электрон, фазаликонтраст, флуоресцент микроскопия, микрокинематография, микроскопик гисто ва цитохимия методларидан фойдаланади.

Гематологик касалликлар XIX асрда мунтазам тасвир этила бошланди. Немис олимларидан Р. Вихров, Э. Нейман лейкозни, инглиз врачи Т. Аддисон ва немис врачи А. Бирмер пернициоз анемияни, немис олими П. Эрлих апластик анемияни тасвир этишди.

Гематологиянинг етакчи проблемаларидан бири қон яратилиши таълимотидир. Рус олимларидан А. А. Максимов, А. Н. Крюков ва немис олими А. Паппенгейн қон яратилишининг унитар назариясини яратганлиги гематологиянинг ривожланишида катта роль ўйнади.

Қон системасининг касалликларини клиник-морфологик метод билан ўрганиш классик гематологиянинг вужудга келишига асос бўлди. Бу ерда шуни айтиш керакки, анемияларнинг классификацияси ва даволаш усуллари яратилди. Қон яратилишини ва анемияларнинг келиб чиқиш механизмини ўрганишда радиологик текширишлар катта роль ўйнади. Совет гематологлари анемияларнинг келиб чиқиши билан боғланган социал проблемаларни ҳисобга олмоқдалар.

50—60 йилларда гематологиянинг янги тармоғи — иммуногематология анча ривож топди. Унга қон группалари ва резус-фактор ҳақидаги таълимот, организмнинг ўз тўқималарига нисбатан антителолар пайдо бўлиши ва ёт тўқималарга нисбатан антителолар бўлиши ҳақидаги таълимот киради.

Ирсий-оилавий қон касалликларини (50 га яқин касаллик) гематология ҳар томонлама ўрганмоқда. Қон группаларининг ирсий хоссаларини текшириш — изосерология туфайли мос қонни қуйиш амалда тамомила бехатар бўлиб қолди.

Лейкозлар ҳақидаги таълимот — лейкозология гематологияга киради. Лейкознинг хроник формаларини даволашда бир қанча химиотерапевтик препаратларни ўрни билан талқин этиш методи ишлаб чиқилди.

* * *

А. ЖУМАБОЕВ: Ҳурматли редакция! Мен яқинда медицина тўғрисидаги бир рисолада гастроскопия тўғрисида ўқиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берилса, айни муддао бўлур эди.

Жавоб: Гастроскопия меъда бўшлиғини махсус асбоб (гастроскоп) ёрдамида кўздан кечиришдир. Бу асбоб оғиздан қизил ўнгач орқали меъдага туширилади. Меъдада хавфли ўсма бор деб шубҳа қилинганда, меъда яраси касаллигини рентген билан аниқлаб бўлмаганда, ярага қарши даво нафини билиш, гастритда эса шиллиқ парда орасини муфассал ўрганиш учун қўлланилади. Гастроскопия қилишдан олдин бемор синчиклаб текширилади. Аорта аневризмаси, гипертония касаллиги, стенокардия, ҳаддан ташқари семириш, дармонсизлик каби ҳолларда гастроскопия қилиш мумкин эмас.

* * *

Ф. НИЕЗБЕКОВ: Менга сўгални қандай қилиб йўқотиш ҳақида бирор маслаҳат берсангиз.

Жавоб: Сўгални вируслар пайдо қилади. У терининг юқумли касаллиги ҳисобланади. Агар сўгални вақтида даво қилинмаса у фақат терига эмас, балки бурун ва оғиз шиллиқ пардаларига ҳам тошиб кетиши мумкин.

Сўгалнинг усти ғадир-будир ва майда-майда сўрғичлар билан қопланган бўлади. Сўгалга узоқ вақт давомида ифлос нарсалар тегиб туриши ва сўрғичлар орасида чанг, кўмир, қурум кириши натижасида булар қўнғир-қора тусга киради. Юзаси кўпинча ёрилиб, оғриб туради. Тирноқ остидаги сўгаллар айниқса оғриб азоб беради, улар ўсиб, тирноқ пластинкаси шаклини бузади. Жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган одамларда сўгал оғримайди ва ранги қизғиш бўлади.

Сўгални йўқотиш учун концентрацияланган кислоталар (азот, сульфид, хлорид кислоталар), кўмир кислота, суюқ азот, электрокоагуляция қўлланилади. Сўгални устара билан қирқиш, ляпис билан куйдириш мумкин эмас, чунки бундай қилинганда у ўсиб кетади ва мугузланиш кучаяди. Сўгални дерматолог-врач ёки косметолог даволайди.

Микрорайонда поликлиника

Урганчнинг шимоли-ғарбий микрорайонининг аҳолиси яхши совға олдилар. Бу ерда бир кунда 250 беморни қабул қила оладиган поликлиника фойдаланишга топширилди. Янги икки қаватли бинода барча зарур даволаш ва процедура кабинетлари ташкил қилинди. Поликлиникага ёнма-ён 50 ўринга мўлжалланган янги гўдаклар уйи очилди.

Область марказининг микрорайонларида медицина муассасалари шохобчаларини ривожлантириш планида яна бир қанча соғлиқни сақлаш объектларини қуриш кўзда тутилмоқда.

(ЎзТАГ).

В. КРАТ,
СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Космосдан биров келдими?

Кўпгина газетхонлар «Литературная газета»га хат ёзиб, техника фанлари кандидати В. Г. Ажажанинг лекциялар конспекти билан танишганликларини баён қиладилар. Баъзилари бу конспектни редакцияга жўнатишган ҳам. Ушбу лекцияда номаълум учар объектлар (НУО) ҳақида гап кетади. Лекция муаллифи бу объектда ўзга планеталардан келган мавжудотни учар аппаратлар деб атайди. Газетхонлар ўз хатларида шу юзасидан биронта эътиборли олимнинг изоҳини ёритишни таклиф этишган.

Газета махсус мухбири Илья Фоняковнинг саволларига Пулково обсерваториясининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. А. Крат жавоб беради:

—Кейинги пайтларда техника фанлари кандидати В. А. Ажажанинг «Космосдаги онгли ҳаёт ҳақида» деган лекцияси кенг тарқалди. Бу лекциялар оммани қойил қолдириш учун ёзилган. Уларда одамлар гувоҳи бўлган қандайдир ақл бовар қилмас ҳодисалар ҳақида гап юритилади. Бу ҳодисаларда Ердан ташқарида яшайдиган онгли мавжудотнинг қўли борлиги тасвирланади. Шундай гаплар ҳам айтиладики, гўё одамлар ўзга планетадан келган гуманоидлар билан учрашишган эмиш. Бу ҳақда қизиқарли тафсилотлар баён қилинади. Лекин В. Г. Ажажа ўз лекциясида асосан ғарб матбуотида эълон қилинган фактларга асосланади. Шу тариқа бутун масъулият ўзгалар зиммасига тушади. Бошқа томондан эса Ажажа ҳақиқатпарвар киши сифатида шон-шарафга кўмилмоқда. Мана, В. Г. Ажажанинг лекциясидан олинган сўзлар:

«Ғарб статистикасига қараганда, кейинги 30 йил мобайнида 80 мингга яқин НУО кузатилган. НУОларнинг ерга қўнишига оид маълумотлар: 1947 йилдан бўён НУОлар минг мартадан ортиқ ерга тушган. Ерликлар 800 мартадан ортиқроқ НУОлар билан тасодифий ва қисқа мулоқотда бўлганлар».

«Биологларнинг айтишига қараганда, НУОлар икки хил. Бир группага кирадиган келгиндилар одамзодга шу қадар ўхшайдики, ерликлар орасига кириб бемалол сингиб кетиши мумкин. Уларни биз пайқамай қолишимиз ҳам мумкин. Булар орасида бўйи ниҳоятда узун, уч мертгача етадиганлари ҳам бор. Аммо бундай НУОлар кам кузатилган. Иккинчи турдаги келгиндилар эса, нисбатан кўпроқ келишмоқда. Булар паканалардир. Уларнинг бўйи 110 сантиметргача боради. Бизнинг нуқтаи назардан қараганда космос келгиндиларининг ташқи кўриниши жуда хунук. Боши ҳаддан ташқари катта, кал, баъзан сийрак туки ҳам учрайди. Қулоғи эса худди силовсинники сингари учли. Пешонаси тиришган, қоши йўқ, бурун парраги ўрнида фақат тешиклари бор. Лаби йўқ, оғзи эса тўғри чизиққа ўхшайди».

Бу лекциялар ҳозирги пайтда қизғин муҳокама қилинмоқда. Баъзилар унга кулиб қарашмоқда. Лекин шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Бундан йигирма йил илгари ақл бовар қилмас ҳодиса деб ҳисобланган нарсалар бугунги кунда оддий ҳақиқатга айланиб қолди-ку.

Бу воқеани тушунтириш учун кимга мурожаат қилиш керак!

Эътиборли манбалардан бири Пулково обсерваторияси. «Бу мавзуда гаплашишдан маъно борга ўхшайди, — деди обсерватория директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Владимир Алексеевич Крат телефон орқали. — Бу масалага нуқта қўядиган вақт етди».

Шундай қилиб, биз олимнинг иш кабинетида, машҳур обсерваториянинг уч қуббали биносининг ғарбий қанотида ўтириб суҳбатлашдик. Ленинградликлар бу бинони яхши биладилар. Суҳбатимиз киноялироқ бошланди.

— Агар ўзга планетадан биронта безарар онгли вакил келиб бизнинг Еримизга қўнса жуда қизиқ бўлур эди. Ер курраси коинотда унчалик ҳам кўзга ташланавермайди. Яна таъкидлайман, онгли мавжудотнинг безарар вакили келса яхши бўлар эди. Негаки ўзга планеталардаги онгли мавжудотлар бизнинг куррамизга қандай муносабатда бўлишини олдиндан айтиш қийин бўлар эди. Шунча узоқ масофани босиб келадиган мавжудотлар қудратли бўлиши табиийдир. Эҳтимол улар бизни «пайқамаган» бўлармиди. Лекин бизнинг бахтимизга ёки аксинча, бахтимизга қарши ҳозирги пайтда фан Ердан ташқари бирон жойда ҳаёт белгисини исботлайдиган аниқ далилга эга эмас.

[*] Аслида нима бор ўзи? Ихтиёрий ёки беихтиёр равишда шундай фикрларнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлмоқда?

Менимча бунга сабаб бўлаётган икки хил далиллар бор. Биринчидан бу — ҳали яхши ўрганилмаган табиий ҳодисалар бўлиши мумкин. Яна қўшимча қилиб айтайки, бундай ҳодисаларни ўрганишга баъзан фан ожизлик қилади. Энг оддий шарсимон яшинни олайлик. Аслини олганда у унчалик оддий эмас. Шарсимон яшин ондасонда рўй берадиган ҳодиса. Бундай яшин осмонда унчалик баланд бўлмаган масофада пайдо бўлади. Лекин у ҳамиша шарсимон бўлмай, баъзан обинон шаклида ҳам бўлиши мумкин. Улар атмосферанинг анча юқори қатламларида туғилади. Бундай ҳодисани ўрганишнинг мураккаб жойи шундаки, бунақа яшин қачон пайдо бўлишини айтиб бўлмайди. Уни олдиндан билиш ёки унинг моделини ясаш жуда қийин. Шундай яшин бўлишини ўн йилларча кутиб юриш ва яна ғафлатда қолиш мумкин. Мен бундай яшинни умримда бир марта кўрганман. Табиийки, уни ўрганиш учун тайёр эмасдим. Ёнимда бирон аппарат ҳам йўқ эди. Қолаверса, яшинни ўрганиш менинг соҳам эмас. Ўтган йил сентябрь ойида Петрозаводск осмонида рўй берган ҳодисани ўрганишга ҳам ҳеч ким тайёр эмасди. Бу ҳодисани одамлар кузатган, лекин ўрганган эмас. Маълумки, бу ҳодиса рўй берганда қуёшда портлашлар бўлган. Магнит бўрони кўтарилган. Ҳаддан ташқари кучли шимол ёғдуси нур сочган. Лекин ана шу фактлар билан Петрозаводск осмонида рўй берган ақл бовар қилмас нодир ҳодисани бир-бирига боғлайдиган фактларни аниқлашнинг иложи бўлмаяпти. Шунга қарамай менда бор маълумотларга қараганда Петрозаводск осмонида рўй берган мана шу нодир ҳодисада Ердан ташқарида яшайдиган онгли мавжудотнинг иштироки бор, деб исботлайдиган асосларни кузатишнинг имконияти йўқ.

Иккинчи категориядаги фактлар инсон фаолияти билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда инсон қўли билан яратилган космик кемалар минглаб топилади. Булар «тирик», яъни фаол кемалар ёки «ўлик», яъни ўзининг иш фаолиятини тугатган кемалар бўлиши мумкин. Шундай «ўлик» кемалар ҳам бўшлиқда айланиб юраверади. Шунингдек турли босқичдаги элтувчи ракеталар ҳам бор. Ниҳоят космик объектларнинг сонидан ҳам бир неча марта ошиб кетган кўпдан-кўп тадқиқотчи ҳаво шарлари, геофизик ракеталар кўплаб учирилмоқда. Баъзан уларнинг ҳажми катта бўлиши, юзлаб километр баландда учиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли учирилади деб бўлмайди. Бундай кемалар ва шарлар атмосферада куйиб кетиб, турли гапсўзларга сабаб бўлиши мумкин. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, космик асрда атмосферага нисбатан одамлар ўртасида қизиқиш кучайганлиги табиий. Космос ва олам проблемалари турли даражадаги турли одамлар ўртасида ҳар хил фикрлар уйғотади.

— Мазкур лекцияда СССРда НУОларни ўрганиш учун махсус «ишчи группалари» тузилган деб бир неча марта таъкидланади. Шунингдек, бир қанча йирик олимлар «фаришта сочи» деб ном олган қандайдир сирли жисмни ўрганяпти бу соч баъзан НУОлардан тўкилиб қолади» деб таъкидланади.

— «Фаришта сочи» масаласига келсак, имоним комилки, бу ўйлаб топилган нарса. НУОни ўрганувчи махсус ишчи группалари ҳам ўйлаб топилган гап. Бизда ҳеч қачон бундай группалар бўлган эмас.

Албатта, олимлар Ердан ташқари цивилизацияни тадқиқ этмоқдалар. Лекин ҳозирча биронта амалий натижага эришишгани йўқ. Яқин орада амалий натижага эришиш қийин. Бунинг кўп сабаблари бор. Шулардан бири галактикалар ўртасидаги масофанинг улканлигидир. Қуёш системасидан биронта онгли «қардошимизни» излашга бағишланган умидлар афсуски пучга чиқди.

— Лекция муаллифи бу ҳолатни ҳисобга олади. У «гуманоидлар» ёки НУОлар галактикамизнинг узоқ нуқталаридан келган бўлиши керак деб ҳисоблайди. Эҳтимол улар ўзга галактикадан келгандир деган фикрни олға суради.

— Биз ўзимиз планеталар системаси бўлган юлдузларни биламиз. Шундай юлдузларнинг энг яқинларидан бири «61 Оққуш» юлдузидир. У бизга анча яқин. Орамиздаги масофа ўн уч нур йили келади. Бошқалари анча узоқда. Лекин энг яқин деганимиз ҳам бизнинг ҳисобда 10^{14} километр келади. Шундай масофани босиб ўтадиган космик кемани тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Шунча жойдан келиш учун нур тезлигига яқин бўлган тезликда учиш керак бўлур эди. Бунинг устига «61 Оққуш» юлдузида Ерга ўхшаш келадиган планетани топиб бўлмади. Бу юлдузнинг йўлдошлари улкан планеталардир. Ҳар бири Юпитердан катта келади. Уларда Ерга яқин шароит бўлиши мумкин эмас.

—Лекцияларда Эйнштейннинг нур тезлигидан юқори тезликка эришиш мутлақо мумкин эмаслиги ҳақидаги тезиси бугунги кунда ўз кучини йўқотганлиги таъкидланади: «...Нур тезлигидан юқори бўлган экспериментал тезлик кашф этилганлиги ҳақидаги хабарни таъкидламасдан ўтолмаймиз... Белоруссия ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Вейниканинг илмий ишида нур тезлигидан 7 минг баравар юқори тезликка эришиш мумкинлигини кўрсатувчи формула кишида таассурот қолдиради...»

— А. Вейниканинг «қарийб барча фанларни инкор этувчи» ва физиканинг ўзининг касби бўлмаган соҳасида пуч ғояларни олға сурувчи назариясига келганимизда, бу борада «Литературная газета» саҳифасида академик И. М. Лифшиц етарли равишда аниқ қилиб фикрлар айтди. Фақат шу нарсани қўшимча қилишим мумкинки, ҳозир қўлма-қўл юрган кўпгина «лекция»лар номи билан боғлиқ бўлган техника фанлари кандидати В. Г. Ажажанинг астрономия ва физикага ҳеч қандай дахли йўқ. Шундай бўлгач, табиийки, у ўзи мурожаат қилаётган соҳаларни назарий жиҳатдан билмайди,. Амалий гапга ўтадиган бўлсак, бугунги кунда тахионлар деб аталган, нур тезлигидан юқори тезликда ҳаракат қилишга қодир бўлган зарралар бор деган назарий фараз бор. Лекин бу зарралардан кема қуриб бўлмайди. Ҳатто шундай кема бор деб тахмин қилганда ҳам, у қандай қилиб Ерга тушиши, унинг юзасида қўниш ускуналари ва сирли «яшил суюқлик» изини қолдириши, уларни худди «фаришта сочи» сингари, ердаги лабораторияларда «анализ» қилишлари мумкин.

(Давоми 4 бетда).

---

[*] Бу лекцияларнинг турли варианти бор. Ҳаммаси ҳам бир-бирига мос келавермайди. Тушунмовчилик бўлмаслиги учун ушбу суҳбат иштирокчилари В. Г. Ажажанинг редакцияга ўз қўли билан топширган лекция вариантидан фойдаландилар.

Саховатли ер

Мирзачўл... «Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди» — дер эди халқимиз ана шу чўл ҳақида.

Совет кишилари Мирзачўлга сув олиб келишди.

В. И. Лениннинг Туркистонда суғориш ишларини ташкил этишга 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги декретга имзо чекканига 60 йил бўлди. Ана шу йиллар давомида сув хўжалиги чиғириқдан тортиб қудратли насос станцияларигача, тор ариқлардан тортиб ҳаётбахш дарё ва денгизларгача бўлган улкан ва шонли йўлни босиб ўтди. Мамлакатимизда биринчи бўлиб Мирзачўлда улкан миқёсда горизонтал-вертикал дренаж, механизмлар ёрдамида суғориш жорий этилди. Фақат 1961 йилдан 1978 йилга қадар Мирзачўл хўжаликлари мамлакатимизга 5 миллион 127 минг тонна «оқ олтин» ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берди. Мирзачўлнинг қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

СУРАТЛАРДА: 1959 йили чўлқуварларнинг палаткалари турган ерда ҳозир Янгиер шаҳри қад кўтариб турибди.

А. Горокрик фотолари.
ТАСС фотохроникаси.

Космосдан биров келдими?

(Боши 3-бетда).

Лекцияларда уларнинг муаллифи фантазиясининг торлиги кишини таажжублантиради. У жуда жўн антропоморфизм доирасида қолади ва лабсиз, «тўғри чизик шаклидаги» оғзи бўлган «барзангилар» ва «миттилар»дан нарига ўтмайди. Гарчи биз Ердан бир неча нур йили олисда бўлган масофада онгли ҳаёт юзага келган деб фараз қиладиган бўлсак, нега у албатта «ердаги»ларга ўхшаш бўлиши керак экан? Мана шундай бирёқлама тасаввурга фантаст-ёзувчилар, биринчи навбатда Станислав Лем эътиборни қаратганди. У ўзининг жиддий «Солярис» асарида ҳам, ҳазиломуз йўсинда ёзилган «Ийон Тихийнинг юлдузлардаги кундаликлари» асарида ҳам мана шу бир қолиплиликдан қутилишга ҳаракат қилди. Албатта, фантастиканинг бошқа усталари асарларида, масалан Иван Ефремовнинг баъзи бир асарларида олис планеталарда яшовчилар ердаги одамларга ўхшаган бўлса, бунга мен эътироз билдирмайман. Бундай асарларни, афтидан шахсий илмий фантастика эмас, балки социал фантастика деб қараш керак. Лекин мени бошқа олис планеталардан учиб келган одамсимон келгиндилар одамлар билан муносабатда бўлиб, улар билан суҳбатлашаяпти, «бу қайси шаҳар?» деб сўраяпти, деб ишонтиришга ҳаракат қилсалар. менга бошқа планеталардан келган, бўйи уч метр бўлган келгинди Бразилиядаги ҳашаматли ресторанлардан бирига кириб, қўлида идиш билан сув сўради, деб эртак айтишса— энди мени кечирасиз...

— Ердагилар билан мулоқатлардан бирида НУОлардан бири гўё 700 та тилни биламиз деб айтибди...

— Кўряпсизми, «ердаги» ўлчов билан ўлчашга уринишнинг яна бир типик намунаси. Биз 5—6 хил тилни биладиган кишиларни кўрсак ҳайратда қоламиз: «гумоноидлар»— олий цивилизация вакиллари, улар биздан «ақллироқ», демак улар 700 та тилни билишлари керак. Фарқ фақат миқдорда. Бу ўринда бир ўйлаб кўрилса бўларди: нега энди «олий ақл» вакилларига бу қадар бўлак-бўлак билимлар зарур бўлиб қолибди. Профессионал фантаст-ёзувчилар бу ўринда ҳам «лекциялар» ёзаётган чаламулла олимлардан ўзиб кетишди. Улар аллақачоноқ мулоқатнинг анча универсал формалари, ҳатто тўғридан-тўғри фикр алмашишгача ўйлашди...

— В. Г. Ажажаннинг лекцияларида ҳикоя қилинишича, Ойга борган Америка астронавтлари план бўйича Ойда сунъий зилзила ҳосил қилиш мақсадида кичик портлашни амалга оширишлари лозим эди. Лекин «буни амалга ошириш мумкин бўлмади. Комада сирли портлаш юз бериб, кислородли баллонлардан бирини йўқ қилди. Эҳтимол, бу портлашни экспериментни барбод қилиш мақсадида кемани ташқаридан кузатиб турган «тарелка» амалга оширгандир.. Бу портлаш Ойдаги Ер билан боғлиқ бўлмаган цивилизация замининни йўқ қилиб юбориши мумкин бўлгани учун шундай қилингандир». «Ўзи нима гап! Мен ҳақиқатни билишни, бу нима эканлигини билишни истайман!... Бу ерда бошқа космик кемалар ҳам бор...»—Армстронг гўё шундай деб қарама-қарши томонда НУОларнинг шуъласини кўрибди. Олдринг эса гап нимадалигини билиб, маҳфий код ёрдамида Ер билан музокара олиб борибди. Кейинчалик бу ҳодиса ҳақидаги барча информациялар американликлар томонидан маҳфийлаштирилди. Космонавтларнинг номаълум учар объектлар билан бошқа учрашувлари ҳақида ҳам гапиришаяпти. Айниқса шу нарса зўр бериб таъкидланяптики, экипажлардан бирининг Ойдаги дастлабки 4—5 соат бўлиши сирли бўлиб қоляпти: астронавтлар бу соатларда нима қилишганлиги номаълум.

— Астронавтларнинг Ойга парвозини бутун инсоният кузатиб турди. Уларнинг планетамизнинг табиий йўлдоши устидаги фаолияти минут-минутигача маълум, лекцияларда айтилаётган жумбоқлар эса йўқ. Мен қандайдир информацияни дарҳол «маҳфийлаштирилганлиги» ҳақидаги гап-сўзларда ҳеч қандай мантиқ кўраётганим йўқ. Америкаликлар бошқа планеталиклар билан учрашувларини, агар шундай учрашув юз берган бўлса, нега яширишаркан? Шов-шувга ўч бўлган матбуот мавжуд бўлган шароитда шундай қилишармиди? Эҳтимол, ердагилар орасида саросима юзага келмасин деб қўрқишгандир? Лекин саросима учун алоҳида асослар йўқ. Америка матбуотини бундай имконият қачон тўхтатолган?

— Шунга қарамасдан «сир сақлакаётган» информация ҳақидаги гап-сўзлар жуда кенг тарқалган. Ҳатто Д. Мензелнинг «учар тарелкалар» ҳақидаги машҳур китоби ҳам жамоатчилик ўртасида пайдо бўлган миш-мишларни бостириш мақсадида онгли равишда уюштирилган тескари ташвиқот деб баҳоланяпти...

— Менимча, Мензелнинг китоби — ҳалол ва тўғри ёзилган асардир. Муаллиф (жумладан, бизда таржима қилинган биринчи нашрида) ҳамма гапларни турли хил оптик алдамчиликка йўйиб, масалани бироз торайтирган, десак бошқа гап.

— Бошқа томондан, чет элда кейинги йилларда фаннинг бутун бир соҳаси— уфология (инглизча УФО қисқартма сўзидан олинган бўлиб, ўзбекча НУО демакдир) юзага келди. Уфологик журналлар чиқаяпти.

— Чет элларда иссиқ-совуқ, жодугарлик масалалари бўйича ҳам журналлар чиқади Биз биламизки, бу ҳали ҳеч нарсани билдирмайди. Охири «логия» қўшимчаси билан тугайдиган сўз ўйлаб топиш фанда янги соҳа кашф этилди деган сўз эмас. Иккинчи томондан жиддий илмий журналларда бу мавзуда босилаётган мақолалар одатдагидек бўлмаган атмосфера ҳодисаларини тадкик қилишдан иборатдир. Улар заррача ҳам эгзотик изоҳга эга эмас. Агар жиддий қилиб гапирадиган бўлсак, фаннинг, жумладан астрономиянинг бугунги кундаги кашфиётлари уч метрлик НУОлар ҳақидаги болаларча эртаклардан анча қизиқроқдир. Радиоастрономияни, ренген юлдузларни, пульсарларни, улкан зичликдаги одатдагидек бўлмаган юлдузларни мисолга олайлик. Уларнинг радионурланишларини айрим ташаббускорлар пок бўлмаса космик онгнинг сигналлари деб қабул қилишларига оз қолди. Ёки Куёшнинг радионурланишини олайлик..

— Айтингчи, Владимир Алексеевич, одамларга эҳтимол бошқа планеталиклар ҳақидаги гап-сўзлар худди эртакдек зарурдир. Эҳтимол, кимларгадир у коинот масалалари билан чинакам чуқур қизиқишнинг дебочаси бўлар! Бир пайт мен Сибирда катта заводга қарашли бўлган йирик Маданият саройининг директори билан суҳбатлашгандим. Директор хасрат қилди: ажойиб янги бино бўм-бўш ётибди, одамлар уйда телевизор олдида ўтиришни маъқул кўришади. Фақат бир марта катта зал одамга лиқ тўлди. Ўшанда машҳур «Келажак ҳақида хотиралар» фильми намойиш қилинганди. Шунда ўйлаб қолдим: эҳтимол, биз бу фильм ҳақида қатъий фан қонунлари бўйича ҳукм юритиб нотўғри қилаётгандирмиз! Эҳтимол, унинг асл мақсади бошқачадир: одамларни қизиқтиришдан, ақлни ишлатиб юбориш, қайрашдан иборатдир.

— Сиз қайд этганингиздек, мен фантастикани жуда ҳурмат қиламан. Чиндан ҳам у кишида янги фикрлар қўзғатади, кишини ўйлашга мажбур қилади. Бунинг учун унга нотўғри нарсани тўғри қилиб кўрсатиш шарт эмас. Унга талантли бўлишнинг ўзи етарли. Мен «Келажак ҳақида хотиралар» фильмида суратга олинган барча нарсаларга ижобий қарайман. Таъкидлайман: суратга олинган барча нарсаларга ижобий қарайман, лекин суратга олинган нарсалар ҳақида айтилаётган фикрларга эмас. Чунки чиндан ҳам жуда қизиқ нарсалар суратга олинган, у ҳақда эса бўлмағур фикрлар билдириляпти. Масалан, Анддаги қадимий «космодромларни» мисолга олайлик. Уларнинг космосга ҳам, космик келгиндиларга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ракетали кемаларга, таъкидлаб ўтилганидек, учиш йўлларининг кераги йўқ. Лекин Анднинг қадимий аҳолиси орасида планерлик санъатининг қандайдир бир тури ривожланганлиги эҳтимолдан холи эмас. У ерда бунинг учун қулай шароитлар: жарликлар, қияликлар, шабада мавжуд. Шу нуқтаи назардан ҳозир фақат самолётда кўринадиган ердаги улкан тасвирларни изоҳлаш мумкин. Албатта, бу шунчаки бир тахмин, ҳатто гипотеза ҳам эмас. Ахир ҳеч қандай ёзма гувоҳнома қолган эмас, кўп нарса йўқ бўлиб кетган. Лекин умуман қадимда, афтидан, одамлар биз аксарият вақт ўйлагандан анча кўп нарсани билишган. Анддаги ўша иншоотларни улканлиги сабабли бошқа оламдан келганларнинг иши дейиш оппа-осон, илгари эса бу иншоотлар худонинг иши, одамлар ҳеч қачон бундай қилиша олмаган деб ўйлашган. Биз шу нарсани биламизки, Мисрдаги перамидаларни ҳам, гарчи уларнинг қуришдаги «технологик жараён»ни акс эттирган маълумотлар сақланиб қолган бўлса ҳам, илоҳий кучлар қурган дейиларди. Ўйлайманки, биз техника асрининг фарзандлари, оддий қилиб айтганда, кўп нарсани унутиб юборганмиз ва қўл меҳнати имкониятларини тўғри баҳоламаймиз. Бундан ташқари қадимда одамларнинг вақти кўп бўлган, серташвиш авлодлари бўлган бизлар сингари улар шошишмаган.

Шундай қилиб, суҳбатни ҳазилга буриб мен шу нарсани таъкидлайманки, ердан ташқаридаги ҳар хил тахминларни табиатнинг бизга тушунарсиз бўлган фактлари ва ҳодисаларини изоҳлашга хизмат қилдиришга ҳеч бир асос йўқ. В. Г. Ажажанинг фактик материаллардан танқидий фойдаланмаслиги, ўринсиз, ортиқча изоҳлари мураккаб масалаларда чалкашликни кучайтиради, уларни ўрганишга халақит қилади, жамоатчиликнинг нотўғри хулосалар чиқаришига сабаб бўлади.

(«ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА»дан).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

физкультура ва СПОРТ

• «Пахтакор»нинг рақиблари

«Торпедо» (Москва)

БУГУН

футбол бўйича мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида «Пахтакор» ўз майдонида Москванинг «Торпедо» командасини қабул қилади.

Мамлакатимиздаги энг кекса клублардан бири бўлган бу команда «Пролетарская кузница» номи билан 1924 йилда ташкил қилинган. У 1936 йилдан «Торпедо» номи билан атала бошлаган. Торпедочилар 1960. 1965. 1976 йилнинг кузида мамлакат чемпиони бўлишган. 1957, 1961. 1964 йилларда команда ўйинчилари мамлакат биринчилигида муваффақиятли қатнашиб. кумуш медални қўлга киритишган. Улар 1945. 1953, 1968 ва 1977 йилларда бронза медали билан тақдирланганлар.

Команда олий лигада 1938 йилдан буён қатнашиб келмоқда. Шу давр мобайнида у мамлакат биринчилигида 1113 учрашув ўтказган.

Торпедочилар СССР Кубоги учун 126 учрашув ўтказишган. Бу учрашувларнинг 83 тасида ғалабага эришиб. 29 тасида енгилишган. 14 учрашувни дуранг натижа билан якунлашган. Кубок баҳслари учун бўлган беллашувларда киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати ҳам анча яхши— 230:118. Команда 1949, 1952, 1960, 1968. 1972 йилларда мамлакат кубогини қўлга киритган. Автозаводчилар олий лигада иштирок этаётган йилларда беш марта кубок ўйинларининг финал учрашувларида қатнашганлар.

«Торпедо» мамлакат биринчилиги учун ўтказилган ўйинларда энг йирик ғалабани 1963 йилда қўлга киритган. Ўшанда Киевнинг «Динамо» командасини 7:1 ҳисобида мағлубиятга учратган. 1961 йилда мамлакат Кубоги учун бўлган учрашувда Курскнинг «Меҳнат резервлари» командасини 8:0 ҳисобида енгган.

Команда ва унинг ўйинчилари 1959 йилда СССР футбол федерацияси, 1961, 1962, 1964 йилларда Г. Федотов номли, 1964 йилда «Йирик ҳисоб учун», 1959, 1975 йилларда дублёрлар состави учун мукофотларини қўлга киритишган. Команда ўйинчиси Г. Гусаров 1961, 1962 йилларда «Труд» газетасининг соврини билан тақдирланган. 1965, 1967 йилларда эса команда дарвозабони А. Кавазашвилига «Огонёк» журналининг соврини топширилган. 1970 йилда ана шу совринни В. Банников қўлга киритган.

В. Шустиков мамлакат биринчилигида команда шарафини энг кўп марта ҳимоя қилган ўйинчи ҳисобланади. У 427 марта «Торпедо» командаси кийимида майдонга чиққан. В. Иванов команданинг энг мерган ҳужумчиси ҳисобланади. У рақиблар дарвозасига 124 марта тўп киритишга муваффақ бўлган. Бир мавсумда энг кўп рақиблар дарвозасини нишонга олган ўйинчи А. Пономарёвдир. У 1949 йилги футбол мавсумида дарвозага 23 марта тўп йўллашга муваффақ бўлган.

Ҳозир командага РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Валентин Кузьмич Иванов устозлик қилмоқда. РСФСРда хизмат кўрсатган тренер, спорт мастери Юрий Васильевич Золотов командага тарбиявий ишлар бўйича бош тренерлик қиляпти.

Пахтакорчилар биринчи давра ўйинини бу команда билан Москвада ўтказди. Учрашув 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Умуман бу командалар мамлакат биринчилигининг олий лигаси баҳсларида 27 марта ўзаро куч синашишган. Бу учрашувларнинг 12 тасида торпедочилар, бештасида пахтакорчилар ғолиб чиқишган, 10 учрашув дуранг натижа билан якунланган.

Шаҳримиздаги турар жойларда спортнинг турли турларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда район, шаҳар миқёсида ўтказилаётган мусобақалар катта ёрдам беряпти. Яқинда чим хоккей бўйича турар жой конторалрида истиқомат қилувчи ёш қизлар ўртасида чим хоккей бўйича шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди. Унда чилонзорлик ёш хоккейчилар ғолиб чиқишди.

СУРАТДА: ғолиб команда аъзолари.

Р. Альбеков фотоси.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

А. Р. БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
1978—79 ўқув йилига
КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Таълимнинг кечки формасидаги тайёрлов бўлимига илғор ишчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари. қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари ҳамда ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги йўлланмаси билан ўрта маълумотли кишилар қабул қилинадилар.

Таълимнинг кечки формасидаги тайёрлов бўлимига таълимга йўлланма тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган пайтда — иш стажи камида бир йил бўлган (иш стажи ана шу корхоналарда ишчи лавозимида кейинги бир йил мобайнида узлуксиз бўлиши лозим тайёрлов бўлимига қабул қилинаётганда ишлагандаги шогирдлик муддати иш стажига қўшиб ҳисобланмайди) ва Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган кишилар қабул қилинадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: институт ректори номига ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), иш жойидан (ҳарбий қисмдан характеристика), корхона раҳбари тасдиқлаган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, саломатлиги тўғрисида медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат, 3х4 см.

Аризалар 10 сентябргача қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш физика ва математика фанлари бўйича ўтказилган суҳбат натижаларига қараб амалга оширилади.

Таълимнинг кечки формасидаги тайёрлов бўлимини тугатганлар ва битириш имтиҳонини муваффақиятли топширганлар институтнинг таълимнинг кундузги формасидаги 1 курсга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ўқиш муддати— 10 ой.

Меҳнат стажи бўлган ва кундузги ўрта мактабни 1978 йилда тугатганлар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
1-пойафзал фабрикаси қошидаги
143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ: **пойафзал бошлиғини бичувчи** (ўқиш муддати — 2 йил), **чарм кесувчи** (1 йил), **заготовка тикувчи** (2 йил), **силлиқлаш ишини бажараоладиган пойафзал фрезерчиси** (1 йил), **пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини биладиган пойафзал затяжкачиси** (2 йил), **контролёрлар** (2йил), **слесарь-ремонтчи** (2 йил), **пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи** (1 йил).

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият уйи ва унда туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юртига 8—9—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.). ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси 6-уй (84, 131, 122, 103-автобуслар. 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

ТОШКЕНТ «МАТБУОТ» ПОЛИГРАФИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
йигит ва қизларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

қўлда ҳарф терувчи, печатник, машиналарда ҳарф терувчи, муқовачи.

Ўқишга қабул қилинганлар Чилонзор районидаги Нурхон кўчаси, 21-уйда жойлашган Тошкент шаҳар, 9-ўрта ҳунар-техника билим юртида таълим оладилар.

Ўқишга 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 15—17-ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 1—3 йил.

Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар Москва, Львов ва Фарғона полиграфия институтларига ўқишга юбориладилар.

Ўқиш муддати — узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини Тошкент шаҳрида бадиий сиёсий адабиётлар, дарсликлар босиб чиқариш бўйича йирик полиграфия базасига айланган «Матбуот» бирлашмасида ўтайдилар.

«Матбуот» бирлашмаси ва корхоналарининг адреси: Навоий кўчаси, 30-уй, марказий бўлим; Ҳамза кўчаси, 1-босмахона, Хоразм кўчаси, 3-босмахона, Янгийўл шаҳри, 2-босмахона.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГРАЖДАНЛАРИ, МУАССАСАЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент область матлубот союзининг
ТАЙЁРЛАШ-СОТИШ БАЗАСИ
тайёрлов дўконларида чекланмаган миқдорда жун, хом тери, мўйна ва бошқа чорвачилик хом ашё турларини

СОТИБ ОЛАДИ

Перейскурантда белгиланган баҳоларда ҳақ тўланади.

Мўйна хом ашёсини якка тартибда топширувчилар билан хом ашё қабул қилиб олиш ва концентрланган озуқа, металл қафаслар, мотоцикллар ва бошқа моллар бериш учун шартномалар тузади.

Тайёрлов пунктлари — Олой, Октябрь ва Госпиталь бозорларида жойлашган.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, Прохладний проезди, 2-уй. Телефонлар 53-10-33, 53-10-24.

ИТ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар ветеринария станцияси
АВГУСТ—СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА
шаҳарда итларни боқиш қоидаларига қандай амал қилинаётганлигини, текшириш ўтказилишини
ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

Район ветеринария шифохоналарида руйхатдан ўтказилмаган, юқумли касалликларга қарши эмланмаган наслидан қатъи назар, ҳамма итлар ҳамда боқиш қоидаларига амал қилинмаганда итлар олиб кетилади.

ДОСААФнинг
КИРОВ РАЙОН
СПОРТ-ТЕХНИКА
КЛУБИ
Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда радио-телемастерлар ва мотоциклчиларни тайёрлайдиган
ПУЛЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
ЎҚИШ МУДДАТИ: радио-телемастерлар учун тўрт ой, мотоциклчилар учун икки ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленинградская кўчаси, 25-уй.

КИНО

2 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон!** (19.00).

Парвоздаги турна — «ЧАЙКА» (18, 20, 21.30), «МОСКВА» (17, 19, 20.00), «ВОСТОК» (18, 20, 21.30), «НУКУС» (18, 20, 21.30).

Интерьердаги оилавий портрет — «ДРУЖБА» (18, 20.30), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Уйинчоқ — «ДРУЖБА» (17, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00).

ЁЗГИ БИНОДА

(соат 20.50 ва 22.30 да бошланади)

Парвоздаги турна — «ФЕСТИВАЛЬ».

Интерьердаги оилавий портрет — «ХИВА».

3 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Эй, бахтли инсон!** (10.45, 13.30, 16.15, 19.00).

Парвоздаги турна — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 18, 20, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17, 19, 20.00), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «НУКУС» (11, 13.30, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Интерьердаги оилавий портрет — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.30,) ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Уйинчоқ — «ДРУЖБА» (11, 13, 14.30, 17, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 16, 19, 21.00).

ЁЗГИ БИНОДА

(соат 20.50 ва 22.30 да бошланади)

Парвоздаги турна — «ФЕСТИВАЛЬ».

Интерьердаги оилавий портрет — «ХИВА».

Тошкент Полиграфия техникуми томонидан **Мойдинов Эркин** номига берилган 006045 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

2 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.00 «Фан оламида». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.30 «Ҳамма нарсадан азиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.20 Эстония ССР халқ артисти М. Войтес рус халқ қўшиқларини ижро этади. 20.45 «Ер кишиси». Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳақида кинопрограмма. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида». Халқ куйлари ва рақсларидан концерт. Гаванадан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Мен қизил ўрмонни расмини чизяпман». Болалар учун мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Бойчечак». 18.45 «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг аграр сиёсати». «Ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан партия ленинча аграр сиёсатининг ижодий ривожлантирилиши». 19.00 «Зангори экран» почтаси». 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Торпедо» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» информацион программаси (рус.). 21.15 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Қишлоқ қурилиши». 22.15 «Бировнинг номида». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Самарқанднинг ташвишли тунлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Пойтахт области далаларида». 20.55 Реклама. 21.10 Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига. «Лев Толстой». Ҳужжатли фильм.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р—03505. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1374.